

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 50 (1649), 2026 йил 14 март, шанба



## ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Таъкидланганидек, юртимиз нуфуси 38 миллиондан ошди, сўнгги тўққиз йилда аҳоли даромади икки қарра кўпайди. Халқимиз оғирини енгиб қилиш, уни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш бўйича вазир ва ҳокимлар маҳалла даражасида ишлайдиган тизим яратилди. Жорий йилда ҳам маҳаллаларда инфратузилма ва аҳоли турмушини яхшилашга 56 триллион сўм ажратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шунча имконият бўла туриб, аҳоли кўтарайтган масалаларга ҳамма жойда ҳам ўз вақтида ечим топиб берилмаётганини кўрсатиб ўтди.

— Бундан тўққиз йил олдин Халқ қабулхоналари ташкил қилинганида битта мақсад кўйилган эди: давлат идораларини халққа яқинлаштириш. Тўғри, Халқ қабулхоналари ўз вақтида самарали ишлади. Лекин бу идорани ҳам одамларнинг бугунги талабига мос ҳолда ўзгартирадиган вақт келди, — деди Президентимиз.

Йиғилишда бундан буён “Ҳар бир инсон ва хонадон муаммосини билиб, вақтида кўмак беришди керак” деган шор барча даражалардаги раҳбарлар фаолиятида бош қонда бўлиши шартлиги қайд этилди.

Президентимиз аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг жорий ҳолатини таҳлил қилди.

Мамлакатимизда ҳар ўн минг кишига ўртача 319 та ариза ва шикоят тўғри келмоқда. Бироқ бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 535 та, Навоий вилоятида 462 та, Сирдарё ва Сурхондарёда 452 тадан, Жиззахда 430 та, Қашқадарёда 368 та, Тошкент вилоятида 350 тани ташкил қилмоқда.

Деҳқонobod, Миробод туманлари, Навоий, Охангарон ва Янгйер шаҳарларида ҳар ўн минг аҳолига тўғри келадиган аризалар сонини бошқа ҳудудларга нисбатан икки баробар юқори экани кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, республика бўйича мурожаатлар сонини 16 фоизга камайдиган бўлса-да, Қоровулбозор, Нурота, Қонимек, Тупроққалъа туманлари ва Наманган шаҳрида мазкур кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 50 фоизгача ошгани кўрсатиб ўтилди. Қатор

туман ва шаҳарларда ҳокимлар ва идоралар мутасаддиларида сайёр ва шахсий қабуллар ўтказишга юзаси қараш сақланиб қолаётгани қайд этилиб, бундай ёндашув қатъий танқид остига олинди.

Ўтган йили Халқ қабулхоналарига ҳокимларнинг ўзи раҳбарлик қилиши белгиланган эди. Қорақалпоғистон, Андижон, Қашқадарё, Хоразм ва Сирдарёда раҳбарларнинг шахсан шуғуллангани натижасида мурожаатлар 25-30 фоизга камайдигани, аҳоли кўтарган масалаларнинг 60-70 фоизи ижобий ҳал бўлаётгани таъкидланди.

Лекин бошқа ҳудудларда бу борада кескин ўзгариш қилинмагани кўрсатиб ўтилди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 170 минг ва Тошкент вилоятидаги 110 минг мурожаатнинг яримдан кўпи ечимини топмаган. Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида такрорий мурожаатлар кўпайган.

Шу маънода, Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида ҳал этилмасдан, ижтимоий тармоқларда резонанс келтириб чиқарганидан кейингина чора кўрилиши аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди.

Йиғилишда аҳолидан энг кўп мурожаатлар юборилаётган соҳалар ва уларга масъул идоралар фаолияти, шу жумладан, ички ишлар, мажбурий ижро, соғлиқни сақлаш, бандлик, ижтимоий ҳимоя, энергетика, инфратузилма ва бошқа масалалар муҳофиза қилинди.

Масалан, ўтган йили алимент билан боғлиқ 70 мингга мурожаат келиб тушган. Мажбурий ижро бюроси ариза тушганда ундирчи чорасини кўраётган бўлса-да, алимент тўловчининг расмий даромади бўлмагани учун мурожаатларнинг 30 фоизи ҳал бўлмади қолмоқда.

Бу борада алимент тўловчиларнинг қанчаси касбга эга бўла туриб ишсиз юргани, қанчасини ўқитиш кераклигини таҳлил қилишмаётгани, шу асосда бандлик бўлими ва “маҳалла еттилиги” билан яқин ҳамкорликда иш ташкил қилиш муҳим экани қайд этилди.

Ташкилий миграция асосида одамларни ўқитиб, хориздаги юқори даромадли иш ўринларига юбориш тизими яратилган, лекин алимент мажбурияти бор фуқаролар бу имкониятдан фойдалана олмади. Алимент тўловчиларга ҳам хоризда ишлаб даромад топиши учун шароит яратиш мақсадида айти пайтда алимент олувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли таъминлаган ҳолда ҳар икки томон учун манфаатли бўладиган адолатли механизм бўйича тақлиф киритиш топширилди.

Ички ишлар ваколатидаги масалалар, айниқса, ходимларнинг кўп олмагани ва тергов сифати бўйича эътирозли мурожаатлар келиб тушаётгани қайд этилди. Тизим масъуллари бу ҳақда энг кўп мурожаат келиб тушаётган ҳудудларда профилактика инспекторлари ва терговчиларнинг касбий савияси ҳамда муомала маданиятини ошириш билан тизимли шуғулланиши, ички ишлар идораларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Энергетика, йўл ва сув инфратузилмаси бўйича 2025 йилда юборилган мурожаатлар 109 мингдан ошгани айтилди. Айниқса, Асака, Шахрихон, Избоскан, Пастдаргом, Шўрчи, Денов, Ғузор, Қамаш, Деҳқонobod, Шароф Рашидов туманлари, Самарқанд, Наманган, Термиз, Қарши ва Андижон шаҳарларида инфратузилма бўйича мурожаатлар кўпайган.

Жорий йилда бу масалаларни ҳал қилиш учун 20 триллион сўм ажратилгани, ҳокимлар ушбу маблағни, аввало, энг кўп шикоят тушаётган маҳаллаларга йўналтирса, аҳоли розилиги ортиб, мурожаатлар сонини камайтириш таъкидланди.

“Ташаббусли бюджет” дастури маҳалла аҳолисининг оғирини енгиб қилишда катта самара бераётгани эътироф қилинди. Бироқ инфратузилма юзасидан 25 мингга ариза келиб тушган 2 минутта маҳалла бирор марта ҳам ушбу дастурда лойиҳа жойлаштирмагани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга Халқ қабулхоналарига келган мурожаатларни

таҳлил қилиб, бундай маҳаллаларга лойиҳа тайёрлашда кўмаклашиш топширилди.

Шу билан бирга, айрим вазирлик ва идоралар мурожаатларга ечим бериш ўрнига юзаси жавоб билан чекланаётгани танқид қилинди. Хусусан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мурожаатларнинг 64 фоизига, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси 61 фоизига, Транспорт вазирлиги 58 фоизига амалий ечим бермаган.

Умуман, қайд этилган камчиликлар бошқа вазирлик ва идоралар, ҳокимликларга ҳам тегишли экани, улар мурожаатлар билан ишлашни чуқур таҳлил ва масъулият асосида ташкил этиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз мурожаатлар билан ишлаш тизимини ўзгартириш вақти келганини таъкидлаб, ҳокимликлар, вазирлик ва идораларга фақат кўтарилган масалани ҳал қилиш билан чекланиб қолмасдан, муаммонинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш, мурожаатларга олиб келётган омилларни аниқлаб, уларни камайтириш билан тизимли равишда шуғулланишга топшириқ берди.

Шу бос, Халқ қабулхоналари фақат ариза қабул қилувчи идора эмас, балки соҳа ва жойлардаги муаммоларга уларга тегишли масъул идораларнинг эътиборини тортадиган, улар билан биргаликда таҳлил ва ечим тақлиф қиладиган марказга айлантирилиши белгиланди.

Президентимиз янги тизим қандай ишлаши Қарши шаҳри мисолида тушунтириб берди. Алимент тўловчиларнинг бандлигини таъминлаш, ойликлар кечиктириб тўлашининг олдини олиш, бошқарув сервис компаниялари фаолияти, давлат идоралари ходимлари устидан шикоятлар, уй-жой билан таъминлаш, нафақа тайинлаш каби масалаларда манзилли ишлаш йўллари ва бунинг учун масъуллар белгилаб берилди.

Ҳар бир ариза ва шикоятни чуқур таҳлил қилиб, масъуллар кесимида тақсимлаб, биринчи ярим йилликда Қарши шаҳрини мурожаатлар билан ишлаш бўйича намунавий

ҳудудга айлантириш топширилди. Бу жараёнда вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари яқиндан кўмаклашиши белгиланди.

Умуман, барча ҳудудлар ва 208 та туман-шаҳар ҳокимларига Қарши шаҳри мисолида кўрсатилган тизимни самарали йўлга қўйиб, одамларнинг оғирини енгиб қилиш вазифаси қўйилди. Бу борадаги иш режалари ҳар ой маҳаллий Халқ депутатлари кенгашларида тасдиқланиб, аҳолига етказиб борилади.

Йиғилишда Халқ қабулхоналари фаолиятини янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Президент Администрациясига ҳокимлар билан биргаликда Халқ қабулхоналарига муаммоларнинг моҳиятини тушунадиган замонавий кадрларни жалб қилиш, мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш бўйича алоҳида назорат гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш топширилди.

Президент Администрацияси Коммуникациялар департаменти ҳар ой Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиб, умумлаштиради, вазирлар ва ҳокимларга етказди, ижросини назорат қилади. Одамларнинг кайфиятига таъсир қилаётган масалалар бўйича раҳбарлар ҳисоботини эшитиб боради, энг муаммоли йўналишлар бўйича тақлифларни Хукуматга киритади.

Хукуматда вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимларидан иборат Тезкор штаб тузилди. Кўтарилган масалалар ҳудуд ва тармоқлар кесимида жойига чиққан ҳолда ҳал қилинади.

Халқ қабулхоналарига мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини бузган идораларга мажбурий кўрсатмалар киритиш ваколати берилиши, мурожаатлар билан ишлаш бўйича давлат идоралари рейтингини йўлга қўйилиб, ҳар олти ойда эълон қилиб борилиши белгиланди.

Мурожаатлар билан ишлашда “маҳалла еттилиги”нинг масъулияти ҳам кескин оширилади. Президент Виртуал қабулхона-

сида ҳар бир маҳалла учун алоҳида кабинет очилади, у ёшлар етакчиси ва маҳалла раиси томонидан юритилади. Улар келаятган мурожаатларнинг сабабларини ўрганиб, кунлик маълумотларни ҳокимларга тақдим этиб боради.

Шунингдек, мурожаатларни асоссиз равишда кўриб қилишга юборган ташкилот раҳбарларига кескин чора қўрилади, мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жазо кучайтирилади.

Президентимиз яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтди. Давлат сиёсати ва ислохотларнинг асосий йўналишларини белгилаш, вазирлик ва идораларда тўғри қарорлар қабул қилинишида, умуман, аҳоли кайфияти ва уни ўйлантираётган масалаларни билишда мурожаатлар билан бир қаторда социологик тадқиқотлар натижалари ҳам муҳим манба экани таъкидланди.

Шу бос, бундай тадқиқотларнинг қўлами ва сифатини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Эндиликда бир марталик ижтимоий сўровлар билан чекланилган, қаерда ишонч ортаётгани, қаерда сусаяётгани, қайси қарорлар адолатли, қайсылари одамларга манфаат келтирмаётгани бўйича доимий мониторинг ва таҳлиллар ўтказилиши белгиланди.

Президент Администрацияси Коммуникациялар департаменти ҳамда Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтига ҳудуд ва тармоқлар раҳбарлари рейтингини методологиясини ишлаб чиқиб, таҳлиллар асосида рейтингни шакллантириш ва минтақаларо Президентга киритиб бориш топширилди.

Ижро интизоми масалалари ҳам кўриб чиқилар экан, берилган ҳар бир топшириқнинг реал ижро ҳолати бўйича кундалик назорат ўрнатилиши, масъулиятни ҳис қилмаган, сусткашликка йўл қўйган раҳбарлар ҳақида ҳолис ахборот киритиб бориш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда ҳудудлар ва масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

ЎЗА

## ФАРОВОН КЕЛАЖАК УЧУН ҚЎЙИЛАЁТГАН УЛУҒВОР ҚАДАМЛАР




Бугунги замонамизда юксак тараққиётга эришган давлатларнинг ривожланиш босқичларига назар ташласак, ҳар қандай мамлакатнинг юксалиши, дунё сиёсий сахнасидаги мавқеи ҳамда қудрати ошиши айнан ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти, маънавий қиёфаси ва яратувчанлик шижоатини рағбатлантиришга улкан эътибор ва гамхўрликка боғлиқ эканини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳам яқинда давлатимиз раҳбарининг Кўксарой қароргоҳида ёшлар билан ўтказган очиқ ва самимий мулоқотида баён этилган теран фалсафий мушоҳадалар, режалар қамровидан халқимизнинг шижоат билан буюк келажак сари интилаётгани, бунда ёшларнинг хиссаси сезиларли даражада ўсиб бораётганидан мамнуният ҳисси сезилиб турди.



Давлатимиз раҳбари йиғилганларга юзлардан экан, мамлакатимиздаги 22 миллиондан ортиқ ёш шунчаки демографик кўрсаткич эмас, балки гоят улкан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини таъкидлади. Бу ҳақиқат барча даражадаги раҳбарлар зиммасига янги авлоднинг хоризжий тиллар ва замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, оммавий спортга жалб этиш, шунингдек, ҳар бир ғоя, лойиҳа ҳамда стартапни қўллаб-қувватлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган масъулият юқлайди. Битта ҳам йигит-қизнинг эътибордан четда қолмаслиги шартлиги ҳақидаги қатъий талаб давлат сиёсатининг олий инсонпарварлик мезонидир.

➤ Давоми 3-бетда

## Умумхалқ хайрия ҳашари



## МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ ҚАЛБ ОБОДЛИГИДИР

**Тозалик бор жойда файз-барака бўлади**

Мамлакатимиз бўйлаб “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига мувофиқ, умумхалқ хайрия ҳашари давомида маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли турар жойлар, ҳовлилар атрофи, гузарлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, кўча ва йўлақлар ҳамда болалар майдончалари тартибга келтириляпти, дараклар оқланиб, буталмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари атрофига мевали ҳамда манзарали дарак кўчалари экиляпти.

Ҳашар аънанаси йиллар давомида сайқалланиб, аҳамиятини сақлаб келмоқда. Босин, унда халқимизнинг бирдамлиги, аҳиллиги намойён бўлади.

Баҳор келиши билан, тўғрироғи, Наврўз байрами арафасида барча ҳудудда умумхалқ ҳашарлари ташкил этилиб, ариқлар тозаланади, даракларга шакл берилиб, оқланади. Янги кўчалар экилади, қабристонлар обод қилинади, ҳудудлар чиқиндилардан холи қилинади.

Жумладан, пойтахт туманларида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилди. Унда барча ташкилот ва идоралар ходимлари, аҳоли вакиллари ва фаол ёшлар иштирок этиди. Маҳаллалар, кўчалар ва ҳовлилар атрофи тартибга келтирилиб, ободонлаштириш ишлари бажарилимоқда. Кўчатлар экилди, даракларга ишлов берилиб, жамоат жойлари, болалар майдончалари ва йўлақлар ҳам обод қилинаётган.

➤ Давоми 2-бетда

## ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ ҚАШҚАДАРЁ

БАРЧА СОҲАДА ЯНГИЛАНИШЛАР, ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА

Юртимизнинг барча ҳудуди қатори Қашқадарё ҳам обод масканга айланиб бормоқда. Воҳада меҳмон бўлган киши олти ойдан кейин яна келса, янгиланган, бунёдкорликларни кўриб хайратга тушади. Ўзгаришларни бор бўй-басти билан кўз олдимизга келтириш, теранроқ англашимиз учун кечаги кун билан бугунимизни муқояса қилиш қифоя. Ислохотлар қанчалик жадвал бораётганини англаш учун эса, келгуси режалар ҳақида билмоғимиз зарур.

Аввало, ўтган йилги ютуқлар ҳақида тўхталасак. 2025 йил вилот аҳли ва иқтисодиёти учун жуда сермаҳсул, баракали келди. Айниқса, 90 та энг оғир маҳалла учун тарихий йил бўлди. Жумладан, 30-40 йилдан буён сув бормаган 85 маҳаллага обиҳаёт кириб борди. Яна 154 маҳаллада 534 километрли йўл таъмирланди. Бунинг учун мамлакат бюджетидан нақд 84 миллиард, маҳаллий бюджетдан 229 миллиард сўм сарфланди. Натижада

ҳудудлардаги аҳолининг турмуш тарзи жонланди.

Бир пайтлар деҳқонларнинг умри пахта даласида ўтарди. Бугун бу гаплар ўтмишда қолди. Соҳага янгилаш услуби кириб келиши эвазига кам харажат қилиб, кўп даромад топишга ўтилди. Натижада ўтган йили вилот тарихида биринчи марта 550 минг тонна пахта етиштирилди.

➤ Давоми 2-бетда

2026 йил 14 март, 50-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news

# САОДАТ ДИЁРИНИНГ МУНАВВАР СИЙМОЛАРИ



Нурхон ЖУМАНОВА, Кармана тумани “Кумушкон” МФЙ хотин-қизлар фаоли

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Жаннат боғидан баҳрамандлик истар экансан, мунис онани рози айлагин” деган сўзлари замирида чуккур маъно бор. Боиси, ҳаётимизнинг маъно-маъмуни ва бутун борлигимизни улардан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан сўзлаган нутқи мамлакатимизда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш ҳамда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган дастуруламал бўлди.

Мазкур нутқ замирида “Инсон қадрини улуғлаш” эзу гомининг ҳаётини ифодаси, жамиятимизнинг энг нозик, айни пайтда энг фаол қатлами бўлган аёлларга нисбатан юксак эҳтиром ва мустаҳкам ишонч мўжассам.

Биз кўп йиллар 8 мартни, асосан, лаптоф байрами сифатида нишонлаб келидик. Бугунги кунда ушбу сана аёлларнинг жамиятдаги ўрнини эътироф этиш, меҳнатларини улуғлаш ҳамда гендер тенглигини таъминлаш айёми сифатида ҳам қадр топтомоқда. Бугун юртимизда аёлларни қўллаб-қувватлаш масаласи бундан ўн йиллар олдин бўлгани каби фақат маърузаю ҳужжатларда қолиб қетаётгани йўқ. Аксинча, халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартираётган, эртанги кунига умид уйғотаётган халқлик ислохотларнинг фараҳбахш эпкинини жуда кўп-кўп ола-сингилларимиз ўз тақдирини мисолида ҳис қилиб, сезиб турибди.

Аёл — келажак авлод тарбиячиси. Унинг садоқати, фидойилиги, азму шижоати у воёга етказётган фарзандлар орқали жамиятга кўчади. Давлат ва жамият ҳаётдаги фаол иштироки эса тараққиётни жадаллаштиради. Шу боис, юртимизда аёллар ирқи ва касбидан қатъи назар, аввало, она сифатида қадрланган, эъзозланган.

## Кечаги эзгу ниёт — бугунги ҳақиқат

Ўтган йили хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида 23,5 триллион сўм кредит йўналтирилгани ҳисобига 425 мингдан зиёд ола-сингилларимиз тадбиркорликни бошлагани шундан далolat беради. Айниқса, “Даромадли аёл” ва “Ҳамроҳ” дастурлари ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги, фаол модели сифатида аҳамиятлidir. Уларнинг моҳияти аёлларни фақат нафақа ёки моддий ёрдам билан қўллаб-қувватлаш эмас, балки тадбиркорликка жалб этиш, касб-хунарга ўқитиш, замонавий кўникмаларни шакллантириш орқали иқтисодий мустақиллигини таъминлашдан иборат. Хусусан, 100 минг аёлни АТ соҳага йўналтириш ташаббуси бу борадаги амалий қадамларнинг ёрқин ифодасидир.

Президентимизнинг шу йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони инсон қадрини улуғлаш, оила институтини мустаҳкамлаш, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Фармон асосида аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш орқали уларнинг сони кескин қисқартирилади, бундай ҳолатга учраган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилади. Бу эса уларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, сифатли таълим олиши, касб-хунар эгаллашига катта туртки беради.

Ҳомилдор талаба-қизларга ёки 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан шугулланувчи талабаларга олий таълим олиш учун “иккинчи имконият” яратилмоқда. Яъни 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб курсдан курсга қолган ёхуд талабалар сафидан чиқарилган шахсларга истисно тарихида

фанлар фарқини қайта ўзлаштириш шарти билан таълимни давом эттириш имкони берилди. Энг муҳими, талабалар фанлар фарқини мустақил ўзлаштириш учун қўшимча мuddат берилиб, бошқа зарур шарт-шароитлар ташкил этилади.

Муболагасиз айтиш мумкинки, ушбу янгиликлар минглаб хотин-қизларимизнинг дилидаги гап бўлгани, уларни фаолликка чорлагани, ҳаракатга келтиргани рост. Бу, ўз навбатида, ҳар бир фуқаро қалбига ёруғлик, эртанги кунга собит ишонч олиб кирди.

Биз, маҳаллаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар фаоллари учун ҳам Президентимиз томонидан билдирилган фикр ва ташаббуслар катта маъсулият юклайди. Маҳалламизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишларни йўлга қўйишни зиммамиздаги устувор вазифа сифатида белгиланмиш.

Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, ечим топиш, ижтимоий ҳимоя муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам маҳалла даражасида самарали ишлар қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Чунки тараққий топаётган юрт хизматида муносиб бўлишига интилиш айни дамда ҳар бир ўзбекнинг яшашдаги моҳиятини белгилай бермоқда. Зеро, муносиблик — мамлакатимиз, элимиз ривожига камар-басталик, демек.



## Умумхалқ хайрия ҳашари



# МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ ҚАЛБ ОБОДЛИГИДИР Тозалик бор жойда файз-барака бўлади

### Бошланиши 1-бетда

Юртимизда 2026 йилнинг Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилингани тасодиф эмас. Чунки маҳалла нафақат ҳудудий бирлик, балки ижтимоий капитал, бирдамлик мактаби, тарбия ва ҳамжихатлик манбаидир. Президентимизнинг тегишли фармонида ҳам Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг энг куйи бўғини — маҳалла институтининг ролин янги босқичга олиб чиқиш назарда тутилган. Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида белгиланган вазифалар уни шунчаки маъмурий тузилма эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг ўсиш нуқтасига айлантиришга қаратилган.

Айни мақсадда маҳаллаларда 10 мингта ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали жорий йилда 100 мингта янги иш ўрни олинади. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, маҳаллабай ишлаш тизимини самарадорлигини оширади. 3500 маҳаллани камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсади давлатнинг ижтимоий сиёсати манзилли ва натижадор бўлишини таъминлайди.

Энг асосийси, соҳага йўналтирилаётган 20 триллион сўм маҳаллаларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, яъни ички йўллар, ичимлик сув ва энергия таъминоти каби энг долзарб муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу ислохотлар маҳаллани халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприкка ва фаровонлик манзилга айлантиришга қаратилган.

— Ҳашар маҳалламизда кўтаринки кайфиятда ва фаоллик билан бошланди, — дейди Яшнобод туманидаги “Дилбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саида Тўлаева. — Айни пайтда ҳудуддаги 28 та кўп қаватли уй, мактаб ва боғчалар, савдо шохобчалари агрофи олоб қилинган. Муҳими, бугун юртимизда ҳар бир маҳалла иختисослашувидан келиб чиқиб ривожлантирилмоқда. Дилбоғликлар асосан тадбиркорлик ва хунармандчилик билан шугулланади. 15 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, битта ишлаб чиқариш корхонаси, таълим муассасаларида аҳоли доимий иш билан банд.

Маҳалла раисининг қўшимча қилишича, ўтган йили аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 13 лойиҳага кредит ажратилган. 300 га яқин фуқаро янги ишга

жойлаштирилган. Ёшларни касбга ўргатиш учун мономарказ ташкил этилган.

Бу ерда Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Тошкент шаҳри футбол академияси ҳам жойлашган. Замонавий мажмуада ётиқ ва очиқ спорт майдонлари, назарий машғулот хоналари, ётоқхона, ошхона ва кутубхона мавжуд. Ҳозир 150 дан ортиқ бола шугулланмоқда. Машғулотларга чет эллик мутахассислар ҳам жалб қилинган. Стадионлар ёритиш ва тасвирга олий курилмалари билан жиҳозланган.

Ҳашарнинг ўзига охс жиҳати шундаки, унда кўнгиллар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, айниқса, эхтиёжманд, меҳр-мурувватга муҳтож, боқувчисиз қолган, кекса ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг уй-жой шартини яхшилашга кўмаклашиди.

Ободонлаштириш тадбири иштирокчиларига зарур техника воситалари ва анжомлар бериляпти. Жойларда ободонлаштириш ишларини ўтказиш жараёнида тўпланган чиқинди мутасадди ташкилотлар томонидан алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқиши таъминланмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Тараққиёт одимлари

### Бошланиши 1-бетда

Ҳосилдорлик гектарига 44 центнер бўлди. Муҳими, ҳосилнинг 56 фоизи машинада терилди. Ўтган йилнинг ўзида 2,8 миллиард долларлик инвестиция ўзлаштирилди. Саъноатда 182 лойиҳа ишга туширилди. Вилоят янги ҳудудий мақсулоти охириги беш йилда бир ярим баравар ўсиб, 98 триллион сўмга етди. Қишлоқ хўжалиги 1,2 баравар, саноат 1,6 марта, қурилиш 1,7 қарра, қўрсатиш 1,9 баравар ўсди.

Аҳоли сони 700 мингга кўпайди. Шунга қарамай, одам жон бошига янги ҳудудий мақсулот 2 баробар ошди. Бундан ташқари, ўтган 5 йилда виллоятдаги солиқ тўловчи юридик шахслар 22 мингга кўпайди. Солиқ тушуми биргина 2025 йилда 26 фоиз кўпайди.

— Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили июнда виллоятимизга ташрифи тубфайли барча соҳадаги ислохотлар янги босқичга кўтарилиди. Қўшимча штаб ажратилиб, Ислохотлар штаби очилди. Ушбу штаб Ислаб хорижлик инвесторлар, виллоят тадбиркорлари, айниқса, ёшлар билан кўпроқ мулоқот қилишга замин ҳозирланди. Мулоқотлар бизда катта имконият ва ташаббуслар борлигини кўрсатиб бермоқда, — дейди Қашқадарё виллоят ҳокими Муроджон Азимов. — Кўни кеча Президентимиз Қашқадарё виллоятини ислохотлар натижадорлиги ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда “Қашқадарё виллоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси юзасидан тақдирот ҳам қилиниб, қатор топшириқлар олдиди. Шу куннинг ўзидаёқ тегишли тартибда чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, режаларни белгиллади. Хусусан, жорий йил янги ички мақсулотимиз 108,2 фоиз, саноатимиз 108,6 фоиз ўсиб, 56 триллион сўм бўлишини лойиҳабай ҳисоблаб чиқдик.

Шунингдек, хизмат кўрсатишда 116 фоиз, қишлоқ хўжалигида 105,8 фоиз, қурилишда 13,2 фоиз ўсиш таъминланади. Камбағаллик даражаси 3 фоизгача пасайтирилди. Бундан ташқари, 9 та туман ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд бўлади. Виллоятда 86 минг доимий иш ўрни очилди, 77 минг иш ўрни “соьдан чиқариш”, 343 минг кишининг даромадини ошириш ҳисобига ишсизлик даражаси 3,2 фоизгача туширилди. “Қашқадарё” эркин иқтисодий зонасида 195 миллион долларлик 26 янги лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг дастлабкиси “Sulton Tex Group” МЧЖнинг 120 миллион долларлик мато, кийим-кечак,



# ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ ҚАШҚАДАРЁ БАРЧА СОҲАДА ЯНГИЛАНИШЛАР, ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА

гигиеник воситалар ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Бунинг эвазига 3500 та иш ўрни очилди. Лойиҳанинг иккинчи босқичида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўйича тўлиқ цикли ишга туширилди. Афғонистон, Туркменистон ва Тожикистон бозорларини учун йиллик қуввати 10 мингта қишлоқ хўжалиги техникаси ва дизель мотори ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Илмий-техник марказ” ташкил этилади. Хорижий корхона томонидан лойиҳа қўймати 40 миллион долларлик, 10 мингтагача дизель мотори ишлаб чиқариш қувватига эга мажмуа қурилади. Шунингдек, “Smes story saydo” корхонаси фиброцементли панели, девор панели ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада 180 та иш ўрни очилди. Бу эркин иқтисодий зонада 5000 та иш ўрни, йилга 45 миллион долларлик экспорт, бюджетга 170 миллион сўм тушум бўлади деганидир. Мазкур ишларни бажариш учун йилгида давлатимиз раҳбаридан зарур кўрсатмалар олдиди. Виллоят, туман ва шаҳар мутасаддилари билан бирга астойдил меҳнат қилиб, барча тизимда зарур ишларни бошлаб юбордик.

### Хорижга мақсулот сотиш ҳажми икки баробар кўпайди

Соҳа вакиллари маълумотига кўра, бу йил виллоят тармоқ корхоналари билан бирга ҳам 3,5 миллиард долларлик инвестиция

ва кредитлар ўзлаштирилади. 334 миллион долларлик 18 та йирик инвестиция лойиҳаси ишга туширилди. Малайзия, Ҳиндистон, Япония ва Покистондан инвестиция жалб этиб, ҳамкор давлат сонини 20 тага етказиш режа қилинган. Экспорт ҳажми эса 1 миллиард долларга етказилди. Шунингдек, 150 та саноат корхонаси мақсулотини экспорт қила бошлайди. Хорижга товар сотиладиган давлатлар географияси 60 тага кенгайиб, янги бозорларга, хусусан, БАА, Франция, Австралия, Ўмон ва Данияга кириб борилади. Биргина Қўқдала ва Косон туманларидаги 30 минг гектар ерда экиладиган эртангишар (долби) тарвуздан Қозғистон, Россия, Покистон ва Афғонистонга 20 миллион долларлик мақсулот экспорт қилинади.

Шу билан бирга, воҳада туман ва маҳалла дастурларига қўшимча равишда йирик инфраструктура лойиҳалари ҳам давом эттириляпти. Шаҳарсозлик ва аҳоли пунктиларини ривожлантириш мақсадида жорий йил учун янги режалар белгилаб олинди. Муҳими, бу ишларга илмий ёндашилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўзида Қашқадарё “Янги Ўзбекистон” массиви Франциянинг “Group Nite” ҳамда Буюк Британиянинг “Vigo Harppold Limited” компаниялари тавсияси бўйича замонавий маҳалла кўринишида қуриломоқда. Лойиҳада миллийлик ҳам ҳисобга олинган.

Бундан ташқари, Қашқадарё тумани марказини канализация билан тўлиқ қамраб олиш ва параллел ривожлантириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Бир пайтлар ушбу

туманда ҳатто ичимлик сув бўлмаган. Энди канализация қурилишини эшитган аҳоли янгиликлардан мамнун. Умуман олганда, янги Қашқадарё тумани қад рўстламоқда. Юксак марралли режага кўра, Деҳқонobod тумани маъмурий марказининг замонавий қиёфасини шакллантириш ҳам устувор вазифалардан. Аслида, минг йиллик тарихга эга туманда бунёдкорлик ишлари узоқ йиллар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Эътибордан четта қолиб, вақт ҳам, маблағ ҳам ажратилмай келинаётган эди. Шу боис, ҳудудда муаммолар йиғилиб қолган эди. Туманда маҳаллалар тарқоқ жойлашган, урбанизация даражаси эса 20 фоизга ҳам етмаслиги кўп бор таъкидланган, амалий ишлар етарли эмасди.

Энди бунга ҳам ечим топилди. Ҳудудга халқаро молия институтлари маблағи ҳисобидан марказий канализация тармоғи тортилади, 39 гектарда замонавий экобозор, маданият маркази, тиббиёт бирилмаси ва аҳоли учун янги турар жой массиви қурилади. Натижада қисқа мuddатда Деҳқонobod янгица қиёфага қиради.

Қашқадарё қишлоқ хўжалиги мақсулотлари етиштиришда етакчи виллоятлардан. Жорий йилда 614 минг тонна пахта, 1 миллион 80 минг тонна галла, 350 минг тонна картошка ҳосили олиш мақсад қилинган. Хуллас, марра банд олинган. Бунинг учун воҳа деҳқонларида тажриба етарли. Масалан, ўтган йили “Агро голд Премиум” корхонаси Мисрнинг “CARA” навли туғанакларини 3,8 гектарга экиб, 120 тонна юқори авлодди уруғлик етиштирди. Жорий йил

50 гектар ерга экиб, 1,7 минг тонна уруғлик олинади. Бунинг учун Китоб ва Нишон туманларида 1,5 минг гектар ер ажратилди.

Воҳада сувни тежаш борасида ҳам кенг қўламини ишлар қилинмоқда. Ўтган йили виллоятдаги 85 маҳаллада қудуқ қазиб, сув таъминоти яхшиланди. Бугун босқичма-босқич тежамкорлик тизими йўлга қўйилмоқда. Масалан, Қашқадарё Чим ва Равот маҳаллаларида “Ақли қудуқлар” платформаси ишлаб чиқилди. Қудуқларга датчик ва қўёш панеллари ўрнатилди. Жорий йил мазкур лойиҳа омма-лаштирилиб, туман ҳокимлиги ҳузурида Марказий диспетчерлик хизмати йўлга қўйилди.

Айни кунларда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети билан ҳамкорликда виллоят гидромодули янгиланмоқда. Бу ишлар охириги марта ўтган асрнинг 85-йилларида қилинган. Бундан ташқари, Пачкамар ҳамда Қашқадарё сув омборларини сув олувчи канал ва ариқларни қувириш тизимга ўтказиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Ажратилган энергия лимити доирасида Сув хўжалиги вазирлиги билан Амударёдан 3,7 миллиард куб метр сув етказиб бериш борасида келишувга эришилди.

Куз-қиш мавсумида “Талимаржон” ИЭСда ишлатилган сувни “Хитой” канали орқали қабул қилиш ҳамда вегетация даврида керакли ҳудудларга йўналтириш мақсадида Муборак туманида сизими 20 миллион куб метр бўлган сув омборини қуриш учун бу йил лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

### Сайёхлик манзиллари дунё аҳлини чорламоқда

Воҳада туризм юқори суръатда ривожланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида бу борада улкан ишлар қилинди. Натижада бир йилда виллоятга 2,7 миллион сайёх келди. Бу 2024 йилдагига нисбатан 35 фоиз кўп демакдир. Янгидан барпо этилган Мираки халқаро туризм марказига жами 1 миллион, мавсумда Бухоро, Навоий ва Хоразмдан кунига 10 минг сайёх келган.

Жорий йилда 3,2 миллион, хусусан, 620 минг хорижлик меҳмонни жалб этиш кутилмоқда. Бунинг учун, аввало, Шаҳрисабзга “Афросиёб” поезди қатновини ҳафтагисига 3 мартага кўпайтириш режа қилинган. Шунингдек, марказий ҳудудларда гавжум қўчалар ташкил этилади. Қолаверса, 473 миллион долларлик 7 та соҳил бўйи лойиҳасида 300 дан ортиқ хизмат кўрсатиш объекти ташкил қилинади.

Чироқчи, Қашқадарё бўйи, Қашқадарё Чимқўрғон ва Қашани сув омборлари агрофида экотуризм масканлари барпо этилади. Яқкабоғдаги Татар маҳалласи ҳудудидан ўтган Қизилдарё ёқасидаги 34 гектар майдонда экотуризм хизматларини йўлга қўйиш бўйича мастер режа ишлаб чиқилди. Қашқадарё Майданак баландтоғ туристик маркази лойиҳасининг биринчи босқичи жорий йил апрелда ишга туширилади.

Гелон туристик марказида 300 миллион долларлик канат йўли, меҳмонхона ва тоғ-чанги қурорти ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Сайёхларнинг қорловчи янги йўналишининг биринчи босқичи келгуси йилда иш бошлайди. Шу жараёнда жорий йил Гелон қишлоғига олиб борадиган йўл бўйидаги 38 гектар майдонда мастер режа асосида лойиҳалар бошланади. Бу эса йилга 400 минг сайёхга хизмат кўрсатиш ва 150 иш ўрни очиш имконини беради.

Транспорт қатновини яхшилашга ҳам эътибор қаратилади. Бунинг учун жорий йилнинг ўзида жамоат транспорти учун 120 та йўловчи автобус келтирилади ҳамда 11 янги йўналиш очилади. Шу билан бирга, Бухоро — Қарши темир йўлини электрлаштириш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, кейинги йил қурилиши бошлаш мақсад қилинмоқда. Умуман олганда, ободлик йўлидаги режалар бисёр. Асосийси, ҳудуд фаровонлига юз тутиб, аҳоли турмуш тарзи тобора яхшиланиб бормоқда. Одамлар янада яхши яшаши, янги иш ўринлари очилиши учун имкониятлар яратилмоқда. Устувор мақсад ҳам шу. Муҳими, бу ишлар қозғоьда эмас, амалда бажарилимоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

www.yuz.uz yuz.uzi


uz\_news yuz.uz\_news

Мулоқотда давлатимиз раҳбари ҳар йили 600 минг ёш меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб, ушбу кўрсаткич 1 МИЛЛИОНГА етишини қайд этди.



Олтин авлод

# ФАРОВОН КЕЛАЖАК УЧУН ҚЎЙИЛАЁТГАН УЛУҒВОР ҚАДАМЛАР



Шуҳрат СИРОЈИДДИНОВ, академик

### Бошланғичи 1-бетда

Йиллар давомида изчил амалга оширилган ишхоналар ҳамда ёшлар камолоти йўлидаги беқиёс имкониятлар бугун ўзининг аниқ меваларини бермоқда. Утил-қизларимизнинг жаҳон фан олимпиадаларида 66 олтин, 147 кумуш ва 221 бронза медални қўлга киритгани миллий тафаккуримизнинг нақадар ёрқин эканидан далолат. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия ва Корнелл каби дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олаётган талабаларимиз сони 500 нафардан, кучли юзталикка кирувчи университетларда ўқийётган ёшларимиз эса 3500 дан ошгани халқимизнинг интеллектуал салоҳияти глобал миқёсда эътироф этилаётганини аниқлади. Фақат таълимда эмас, балки иқтисодийда ҳам ёшларимизнинг 63 стартап лойиҳаси АКШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларнинг йирик ҳамда рақобатбардор бозорларига кириб боргани эътиборга молик. Халқаро спорт ареналарида қўлга киритилган минглаб медаллар ёшларимизнинг жисмоний иродаси ва энгилмас руҳини ифода этади. Бугун мамлакатимиздаги бизнес вакилларнинг 35 фоизини айнан ёш тадбиркорлар ташкил этаётгани эса жамиятимиздаги иқтисодий фалонкининг асосий ҳаракатлантувчи кучи ёшлар эканидан далолат.

Шу нуқтан назардан Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексда энг юқори суръатда ривожланаётган давлат сифатида эътироф этилгани бежиз эмас. Жорий йилда пойтахтимизда Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи таъсис этилиши, кўча ва навқирон Самарқанд шаҳрида Ёшлар парламенти аъзоларининг ўн иккинчи глобал конференцияси, "Take Off" халқаро стартап саммити ҳамда

"Келажакка қадам" дастурлари доирасида 15 минг йигит-қиз ўз бизнесини йўлга қўйиб, 50 минг аҳолини иш билан таъминлагани эса улкан иқтисодий сый-ҳаракатдир. Айни шижоатли тадбирларни изчил давом эттириш мақсадида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилиши ҳақидаги фикр жамоатчилиқда чинакам резонанс уйғотди. Мазкур молиявий ёрдам тўғрисида ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилади. Ёш тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳалари учун 10 миллиард сўмгача кредит ажратиш имконияти яратилиши ҳамда инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция киритишга руҳсат берилиши янги иқтисодий даврнинг дебосасидир. Сервис ва умумий овқатланиш соҳасида мингдан зиёд иш ўрни очган маҳаллий брендлардан франшиза олиб, ўз филиалини очиб ниятида бўлган ёшлар учун қўлай молиялаштириш пакетлари жорий этилади. Бу эса тикорат инфратузилмасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Инсон капиталини ривожлантириш ижтимоий инклюзивлик тамойилларисиз тўлақонли аҳамият касб этмайди. Ижтимоий ташаббуслар доирасида "Фикрининг бер (Voice Up)" инклюзив оромгоҳи тажрибаси синодан муваффақият ўтди. Шу бос, уни мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда ўтказиш ва 1000 ёшни қамраб олиш белгилади. Ёш сара ташаббуслар асосида Самарқанд шаҳрида Халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳини ташкил этиш вазифаси халқимизга хос меҳр-оқибат ва бағрикенгликнинг халқаро даражадаги ифодаси бўлди. "Уши ва ривожланиш (Upshift)" лойиҳаси орқали жорий йилда медиа, дизайн, хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва инновация йўналишларида танловлар уюштирилади. Ёш ахши 40 та стартапни молиялаштириш учун 2 миллиард сўм ажратилиши эса ижодкор ёшларни руҳлантиради. Шунингдек, ҳудудлардаги техникумларда таълим дастурларини бевосита иш берувчиларнинг реал талаблари асосида тўдан янгилаш, дуал таълим қамровини кенгайтириш, муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш вазифалари белгилади. Эътиборли жиҳати шундаки, энди техникумларга ҳам олий таълим муассасалари каби "srin-off" корхоналарини очишга руҳсат берилди ва ўқувчиларнинг инновацион стартап лойиҳаларига 1 миллиард сўмгача сармов киритилди. Жорий йилдан бошлаб техникум ўқувчилари учун ҳам "Ишла ва саёҳат қил (Work and travel)" дастури доирасида 6 ой давомида хорижий давлатларда ишлаш ва қўшимча даромад топиш имконияти яратилди. Йил ҳаражати учун давлат томонидан махсус судулар ажратилиши ёшларнинг дунёқарабини халқаро андозалар даражасига кўтарди.



тўлашдан бутунлай овоз этилиши мисли қўрилмаган имтиёз. "Кўмак" дастури орқали олис ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув марказлари фаолиятини кенгайтириш мақсадида 300 миллион сўмгача фоизсиз суду тақдим этилиши кўзда тутилган. Олис ҳудудлардаги ўқув марказлари учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланди, ўқитувчиларнинг даромад солиғи эса 12 фоиздан 7,5 фоизгача туширилиши таълим адо-

жамгармасини ташкил этиш стратегик режа сифатида белгиланди. Мазкур жамгармага ҳар йили республика бюджетидан 20 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан эса қўшимча 3 миллиард сўмдан маблағ йўналтирилиши жамиятнинг эзгулик атрофида биравлаштиришга хизмат қилади. Қўнғиллар лойиҳаларига 100 миллион сўмгача давлат гранти берилиши ҳамда махсус ижтимоий фалонк картаси орқали рағбатлантириш тизими жорий этилиши ёшларнинг ижтимоий масъулиятини янада оширади. Учрашувда фақат таълим ёки иқтисодий масалалар эмас, балки ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини оммалаштириш каби ўта долзарб масалалар ҳам чуқур таҳлил қилинди. Хусусан, ёш оилалар учун уй-жой ипотека дастури доирасида кредит ставкасининг 14 фоиздан ошган қисми тўғридан тўғри бюджет қўллаб берилиши ҳисобидан қўллаб берилиши ёшларнинг энг йирик ижтимоий муаммоларидан бирига ечим бўлади.

Миллат маънавиятини юксалтириш мақсадида "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш" жамгармаси фаолияти орқали энг истеъдодли ёзувчиларга ижодий буюртмалар берилиши ҳамда уларга 1 йил давомида ҳар ойда 20 миллион сўмдан қалам ҳақи тўлашиши адобий ахшига кўрсатилган юксак эътирmdir. Жаҳон адабиётининг энг сараларини Ўзбек тилига, шунингдек, миллий адабиётимиз дурдоналарини хорижий тилларга таржима қилиш ва chop этиш билан боғлиқ харажатларнинг ярми давлат томонидан қўллаб берилиши адабиётимизнинг жаҳон саҳнага чиқишига кенг йўл очади. Янги ўқув йили бошлангунга қадар ёшларимиз мугтолаа қилиши зарур бўлган энг яхши 100 асардан иборат тўпламларни тайёрлаб, республикадаги барча мактаб ва техникумларга таълим етказиб бериш, шунингдек, энг фаол китобхон ўқувчиларни 10 миллион сўмдан пул муқофоти билан рағбатлантириш келажак авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, йирик кутубхоналар, замонавий "book safe"лар ҳамда китоб дўконларини очиб, ойига 10 минг донадан ортқ китоб сотган тадбиркорларга 3 йил муддатга 1 миллиард сўмгача 7 фоизли суду тақдим этиш механизми китобхонлики умумийлик ҳаракатга айлантиради. Инсонпарварликнинг энг олий даражада намоеъ бўлиши сифатида жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ёшларнинг жамиятга тезроқ мослашини таъминлаш учун "Иккинчи имкон" махсус ижтимоий лойиҳаси ишга туширилиши маълум қилинди. Адашган ёшларни 8-12 ойлик интенсив ўқув курслари орқали дастурлаш, веб-дизайн, компьютер муҳандислиги каби замонавий касбларга ҳамда хорижий тилларга ўқитиб, даромадли иш билан таъминлаш жамиятда ҳеч бир инсон меҳр ва эътибордан четда қолмаслигини кафолатлайди.

Президентимизнинг ёшлар билан ўтказган ушбу мулоқоти янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ҳаракатларимизнинг моҳияти инсон қадр ва ёруғ келажagini таъминлашга қаратилганини яна бир бор исботлайди. Кириштирилган улкан сармовлар, берилаётган тенгсиз имтиёзлар ва илгари сурилатган ёшлар Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга қодир бўлган, мустақил фикрлайдиган, замонавий билимларни мукамал эгаллаган ҳамда миллий қадриятларга содиқ авлоднинг тарбиялашда муқаддас мақсадга хизмат қилади. Фаровон келажакка қаратилган ушбу улғувор қадамлар ҳар бир фуқарони рўй бераётган тарихий ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшашига ундайди.



## Нуқтаи назар

# ҲАР БИР ИНСОН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР МАСКАН

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида долзарб бўлган масала ва муаммолар рўйирост эътироф этилиб, уларнинг ҳал этилишида йилларнинг муайян номлар билан аталиши ижтимоий анъанага айланди. Юртимиз ободончилиги, халқ моддий-маънавий аҳволини, савиясини юксалтиришда йиллар номи билан боғлиқ қабул қилинган давлат дастурлари асосида амалга оширилган ишлар самаралари эътироф этилмоқда. Юртимизда 2026 йил — Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилинди. Бундан бош мақсад — она ватанимиздаги ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшашини тўлиқ таъминлаш сари янги одимлар қўйиш.

Президентимиз раислигида шу йил 23 январь куни камбағаллини қисқартриш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўтказилган видеоселекторда қатор рақамлар, далиллар тилга олинди. Уларни мушоҳада призмасидан ўтказган мулоҳазакор инсон яқин тарихда ўзбек жамиятининг энг муҳим, туну кун фаолиятда бўлган, ҳар биримизнинг тақдиримиз боғланган маҳаллалар ривож учун тақдиримиз бундай эътибор, амалий қўллов режаси тузилмаганини тасдиқлайди.

Фикримиз исботи учун айрим далиллар келтирсак.

2026 йилда 1 миллион аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 2,5 баробар ошириб, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизга тушириш вазифалари белгиланди.

"Оғир" туман ва маҳаллалар аҳлини иш билан таъминлаш, даромадини ошириш масалалари атрофида кўрилиб, аввало, бундай ҳудудларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 903 та маҳаллани ҳар бирда қувват 300 киловатт бўлган кичик қуёш электр станциялари қурилиб, "беғараз актив" сифатида берилди.

Ушбу станциялар ҳисобидан ҳар бир маҳаллада 400-500 миллион сўм қўшимча даромад келтирадиган "иқтисодий актив" шакллантирилиши назарда тутилган.

Маҳаллаларда ихтисослашувни рағбатлантириш мақсадида қўшимча молиявий механизмлар жорий этилиб, томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиқлари учун сертификатланган қўчаларни харид қилиш ҳаражатининг 50 фоизи бюджет ҳисобидан қўллаб берилди.



Муҳтарома УЛУҒОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Пиллачилик кооперациясини ташкил этиш учун эҳтиёжманд оилаларга 4 миллион сўмдан субсидия, уйда пилла етиштириш истагида бўлганларга эса хонадонни жиҳозлаш ва ускуна хариди учун 20 миллион сўмгача фоизсиз суду берилди — ана шу моддий қўлловдан ҳам илму тадбиркорлик, халқ тажрибаларига асосланиб фойдаланилса, қанча янги-янги иқтисодий самаралор имкониятлар эшиги очилади.

Утган асрнинг иккинчи ярмида катта авлод вакили бўлган оналар, бувилар учун келинлик



Мева турига қараб, "шпалер"лар учун 20 минг сўмдан 70 минг сўмгача субсидия ажратилади. Томорқада томчилатиб сугорилиши жорий қилганларга ҳар 1 сотих учун 160 минг сўм компенсация тўланади. Агар уста деҳқонлар маҳалладаги ҳар 10 та хонадонда экспортбоп маҳсулот етиштириши йўлга қўйса, 2 миллион сўм, агар буни томорқаси бор хонадонларнинг камда 30 фоизда амалга оширсин, қўшимча равишда 75 миллион сўмдан муқофот олади.

Оммавий ахборот воситалари саҳифаларида, турли йигин ва тадбирларда тилга олинаётган юқоридаги рақамларни "Яна тақорлас шартмиди?" деган эътирозлар ўринли. Чунки энди асосий қувватлар, эътибор режалар бажарилишига қаратилиши, таҳлиллар ҳам шу йўналишда бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу нуқтан назардан ёндашсак, таассуфки, дилда қатор иштибоҳлар уйғонади.

Президентимизнинг "Қаерда ҳаёт яхшиланса, даромад кўпайса, Уша ерда "енгил пул топиш" ҳаракатида бўлган жиний тузилмалар ҳам фаоллашиб, жиноятнинг янги усул ва воситалари ҳам, энг аввало, шу ерда пайдо бўлади" деган фикрларини SOS оғоҳлантириш ўрнида кўриб, алоҳида диққат қаратайлик.

Давлатимиз раҳбарининг "Барча туманларда "оилавий тадбиркорлик" бўйича имтиёзли кредитнинг энг юқори миқдори 1,5 баробар оширилиб, 50 миллион сўмга етказилди. Импорт қилинган ва сертификатланган насли чорва учун 100 миллион сўмгача, уй меҳмонхонаси, кичик музлаткич, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш минитехнологиялари учун эса 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади" деган фикрлари ўтган яқин йилларда маҳаллалардаги эҳтиёжманд хонадонларга ёрдам, қўллаб-қувватлаш сифатида ўзўзар, товуқлар, чорва ҳайвонлари тарқатилганда кузатишган воқеаларни ёдга солди.

"Оғир" тоифадаги маҳаллалардаги бўш ер участкалари ва давлат объектларининг бошланғич нарҳини 2-3 баробар пасайтириб, уларни сотувга чиқариш амалиёти жорий этилади.

2026 йилда 2 минг гектар ўрмон ерлари 4 минг камбағал оилага 50 сотихдан тўтazor барпо этиш учун 10 йилга бепул ажратилади.



46-жаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилиши мамлакатимизнинг ёшлар сиёсати соҳасидаги халқаро мақоми янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари ҳар йили 600 минг ёш меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб, ушбу кўрсаткич 1 миллионга етишини қайд этди. Ушбу келажак авлодга ўз имконияти ва қизиқишига мос иш топиш учун барча зарур шaroитини яратиш иқтисодий барқарорликнинг энг муҳим омил эканини кўрсатиб ўтди.

Ижтимоий сўрономалар натижаларига мувожаат қилсак, ёшларнинг учдан бир қисми ўз келажagini тадбиркорликда кўриши маълум бўлди. Мазкур иттилошини рўёбога чиқариш мақсадида ўтган йили банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар миқдорда маблағ йўналтирилди. "Ёшлар бизнеси" ҳамда

Замонавий билимларни эгаллашда хорижий тилларни билиш энг асосий калитдир. Тил сертификатига эга йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича жорий қилинган механизмлар ўзининг юксак самарасини бергани қувонарли. Бугун сертификат олган ёшлар сони 600 мингдан ошгани ҳамда хорижий тилларни мукамал биладиган 72 минг юқори малакали инструктор қатлами шаклланиши жамиятимизни интеллектуал қиёфасининг ўзгараётганини кўрсатади. Хусусий ўқув марказлари сони уч баробар кўпайиб, 38 мингдан ортгани таълим соҳасида соғлом рақобат муҳити шаклланишига далолатидир. Хусусий ўқув марказлари уюшмасини ташкил этиш ташаббуси давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди. Уюшма аъзоси бўлган марказларга ўз биносини ижарага берган тадбиркорлар ижарадан олинадиган даромад ҳамда фойда солигини

лати тамойилни қарор топтиришга хизмат қилади. Жойларда эҳтиёжманд оилалардаги ёшларни бепул ўқитишни ўз зиммасига олган ўқув марказларига қўшимча имтиёзлар берилиб, ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади. Шунингдек, уларнинг коммунал харажатининг тенг ярми давлат томонидан қўллаб берилиши халқпарварлик сиёсатининг яққол нишонасидир.

Жамиятда дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда кўнғиллар, яъни волонтерлик ҳаракатининг ўрни беқиёс. Юртимизда мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани тўғрисида волонтер ёшлар сафи 5 баробар кенгайди. Экология, тиббий хизмат, таълим ҳамда фақуллода вазиятларда кўмаклашиш бўйича кўнғиллар сони 100 мингдан ортгани халқимиз маънавияти нақадар юксак эканини кўрсатади. Волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича махсус вазирлик кенгаши ташкил этилиши ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида "Волонтерлики қўллаб-қувватлаш"

QR code and text: УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Таҳлил ва таққос

Ўтган йили Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари рекорд даражага етиб, 66,3 миллиард долларни ташкил этди. Унинг 55 миллиард доллар қисми, яъни салкам 392 тоннаси соф олтиндир. Экспертлар фикрича, Ўзбекистон олтин-валюта захиралари ҳажми бўйича жаҳоннинг 15 та етакчи давлати сафидан ўрин олди. Йиллик экспорт ҳажмининг қарийб учдан бир қисми олтин улушига тўғри келмоқда. Мамлакатимиз дунё олтин бозоридagi мавқеини мустаҳкамлади, йирик ишлаб чиқарувчилар орасида 10-ўринни эгаллади. Руда захиралари бўйича Мурунтов ва Олмалик конлари дунёнинг йирик бешлигига кирди.

УЛМ ДУНИ МОДДИЙ БОЙЛИК, ОЛТИН СТРАТЕГИК РЕСУРС

Йиғилишда қайд этилишича, заргарларни хомашё билан барқарор таъминлаш учун бир-жага чиқариладиган олтин ҳажми 6 тоннадан 8 тоннага оширилди. Барча ҳудудларда олтин захираси яратилади. Олтин азалдан иқтисодий-ижтимоий жараёнларга катализатор бўлиб келган, захира ва барқарорлик воситаси сифатида валютани мустаҳкамлаб, молиявий тизимга ишончни оширган. Ундан инвестиция фақати сифатида фойдаланилади. Тилла инфляциядан ҳимоя қилади, иш ўринлари ва солиқ тушумлари яратди ва давлатнинг халқро нуфузини мустаҳкамлайди. Шунингдек, халқро муносабатларда муносиб мулоқот олиб боришимизга руҳий куч беради. Олтин бу — табиатнинг бизга берган инъоми. Аммо уни миллат бойлигига айлантирадиган нарса ер қаъридан чиққан металл эмас, балки ер устидаги ақл ва адолатдир. Келажакни захиралар миқдори эмас, уларни бошқариш маданияти ва маҳорати белгилайди.



Президентимиз олтиннинг аҳамиятини моддий бойликдан кенроқ тушуниди, уни мамлакатнинг келажакни мустаҳкамловчи стратегик ресурс деб билди.

Олтинни қуйма шаклида сотиш ўз имкониятларини сотиш демакдир

Ўн йил аввал, 2017 йилнинг бўсағасида Ўзбекистон иқтисодиёти улкан, аммо ҳаракатсиз олтин захиралари устида турарди. Ушундан олтин биз учун шунчаки "хавфсизлик ёстини", давлат хазинасидаги жимжит ётган қуймалар ва ресурсларга тобе ҳўжалик моделининг тилсиз кабили эди. Шавкат Мирзиёев ҳўкимиятга келганда "сарик маъдан"га қарамликни тубдан ўзгартириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва "олтин қарамлиги"дан воз кечиш зарурлигини ичдан тушуниб етган эди.

Ўша давр ҳўжалик юритиш тизимини олтин қафасга менгаш мумкин. Олтин ва газ экспортдан келадиган валюта тушумлари давлат назоратида бўлиб, улар иқтисодий тараққиётга эмас, балки валюта курсини суъий ушлаб туриш ва самарасиз давлат корхоналарини субсидиялаш, давлат бюджеги тиркешларини ямашга сарфланарди. Хўш, бу ҳўл қанча давом этди? Ҳар қалай бу саволга давлатимиз раҳбарининг жавоби бундай бўлган: олтин бу — мақсад эмас, балки тараққиёт учун восита бўлиши керак.

Хомашёга боғлиқ қолган иқтисодий модели бузилишини ўзи бўлмади: бунинг учун кучли сиёсий ирода, сабот, харизма талаб этиларди. Ислохотлар ёпиқ ва хомашёга қарам хаста иқтисодиётни қич, рақобатбардош моделега трансформация қилишдан бошланди. Валюта бозори либераллашуви, хўсусий секторни қўллаб-қувватлаш, экспорт-импортни рабатлантиришга доир қарорлар алоҳида ташаббуслар эмас, балки ягона тизимли стратегиянинг қисмлари эди. Иқтисодиётни диверсификациялаш шунчаки танлов эмас, балки миллионлаб одамларни иш билан таъминлаш, енгил санаат, ахборот технологиялари, таълим ва маданият, хизмат кўрсатиш соҳаларини уйғотиш учун ягона чора эди.

тақдимот ва кўргазмалар, театрлашган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилди. Заргарликнинг барча турларини ривожлантириш, тармоқ учун зарур ноёб тошларни ўзлаштиришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Уларнинг барчасидан мақсад заргарликни янги босқичга олиб чиқиш, қайта ишлаш ҳажмининг ошириш, норасмий иқтисодиётни қисқартириш ва бозорни шаффофлаштириш, микро ва кичик тадбиркорлар расман фаолият кўрсатишига рухсат бериш, имтиёзлар, чеғирмалар ва молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш, халқро стандартлар, сифат ва рақобатбардошликни ошириш орқали экспорт ҳажмининг кўпайтириш эди.

Ўзбекистоннинг заргарлик санъати фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчанмайди. Ҳар бир олтин занжир, кумуздан ишланган ҳар бир асар қимматбаҳо маъданга эмас, халқимизнинг заковати ва тажрибасини дунёга намойён етатишдан востидир. Буюмлар экспорти орқали дунё бозори нафақат молиявий қўйиматни кўради, балки миллатнинг эстетик тафаккури, дизайн маданияти ва интеллектуал салоҳиятини баҳолайди.

Шу маънода, экспорт мамлакатнинг моддий бойлиги билан бир қаторда халқнинг интеллектуал капиталини ҳам дунё аренасига олиб чиқаришди. Ҳар бир ишлаб чиқарилган заргарлик буюми, ҳар бир мукамал нақш маҳаллий дизайнер ва усталарнинг фикрати, тажриба ва ижодий қобилияти кўзгусидир. Бу миллий билим ва салоҳиятнинг ташқи дунёга кўрсатилишидир.

Бундан ташқари, ушбу жараён маънавий ва иқтисодий интеграцияни ҳам таъминлайди. Қимматбаҳо металлларни экспорт қилиш орқали давлат миллий қадрлар малакасини ошириш йўлидаги имкониятларини ҳам кенгайтиради. Халқнинг интеллектуал бойлиги ва заковати маҳсулотда нақшланади. Бу эса иқтисодиётнинг суъий бойликдан ҳақиқий қадриятга ўтишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқаётган олтин ва кумуш буюмлари халқ заковати билан жипланган санъат асарига айланиши керак. Экспорт нафақат бозордаги рақобат, балки халқнинг ақл-заковати ва санъатнинг жаҳон саҳнасига чиқишидир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлат даражасида қабул қилинган қарорлар, имтиёзлар, қўйимат ва ишончи институционал қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий санъат ва малака эгаларининг дунё бозорига чиқиш имконияти таъминланади.

Айни пайтда соҳада фаолият юритаётган корхоналар сони 2210 тага етди. Шундан 258 таси юридик шахс ва 547 таси яқка тартибдаги тадбиркор ҳамада 1405 таси савдо билан шўғулланувчи юридик шахсдир. Биргина ўтган йилнинг ўзида салкам 1200 та янги иш ўрни яратилди.

Заргарларимиз қарийб 18,47 тонна олтин ва 2,5 тонна атофидида кумушни қайта ишлаб, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ҳажминини 2,6 баравардан зиёд оширишга эришди.

Заргарлик буюмлари экспортида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Четта 492,2 миллион долларга етди, олдинги йилдагидан 5,3 баравар кўп зар-венар экспорт қилинди. Унинг 38 фоиздан кўпроги жисмоний шахсларнинг хоржий қарамликлар билан савдога экспорт улушига тўғри келмоқда.

Мақур рақамлар Ўзбекистон бутун ўз олтинини шунчаки хомашё сифатида сотишдан

воз кечиб, уни қайта ишлаш, қўшимча қўйимат яратиш ва юқори технологияли маҳсулотларга айлантириш йўлига ўтаётганини кўрсатмоқда. Бу иқтисодий стратегиядан ташқари маънавий бурилиш ҳамдир.

999,9 — миллий бренд

Миллатнинг қандай йўлни танлаганини баъзан бир рақам ҳам ифода этади. 999,9 намунаси 24 қаратли, аралашмалардан деярли холи, дунёдаги энг тоза олтиндир.

Бугунги кунда ватандошларимиз Марказий банкнинг шу пробадаги тилладан ясалган, тарихий, маданий ва бошқа мавзуларга бағишланган эсдалик тангаларини сотиб олиш имконига эга. Улар нафақат коллекция учун қизиқ, балки инвестиция жамғариш воситаси ҳамдир. Халққа уларни сотиб олиш имкониятини очиб билан Марказий банк миллий молиявий маданиятни оширяпти, шунинг баробарида халқро пул бозорига мамлакат номини мустаҳкамлашга ҳисса қўшапти.

Жаҳон бозорига 999,9 намунасидаги тилла қуймалар энг ишончи захира фақат ишончи ҳисобланади. Бинобарин, у олтиннинг шунчаки қимёвий тозалик ўлчови эмас, балки янги Ўзбекистоннинг миллий бренди, ишонч ва сифат фалсафасига айланиши керак. Президентимиз заргарлар билан сўнги учрашувида шу гояни — олтинни хомашё сифатида сотишдан кўра уни мамлакат ичиди қайта ишлаб, заргарлик санъати асарига айлантириш зарурлигини илгари сурди. Бу гоя ишлаб чиқарувчилар ва усталар гарданига катта вазифа, чўнг масъулият юклайди.

Миллий бренд маҳсулотни энг юқори стандартларда ишлаб чиқариш ва унга 999,9 таъминини уришига эмас. Ҳақиқий эҳсондор, қадриятлар, миллий интеллект ва заргарлик истёвдоди муҳасаммаллаб, истеъмолчи онгда ашё ёки Ўзбекистон номи билан боғлиқ ўзгача образ ва ассоциациялар шакллантириши керак. Қолаверса, бренд ортида фақат аънавий маҳорат эмас, балки дизайн мактабларида етишайтган янги авлод мутахассислари, 3D моделлаштириш ва рақамли прототиплаштириш технологиялари, электрон савдо платформалари орқали глобал бозорга чиқиш стратегияси турибди.

999,9 намунадаги олтин глобал инвестицион стандарт ҳисобланади. Агар биз Навоий КМК тозалаш заводининг LBMA стандартларига моё келишини эътиборга олсан, у Швейцария, Канада ёки Австралия олтини билан бир хил — жаҳон спот (жорий бозор) нархида онлайн режимида сотилишини аналгади.

Миллий брендинг жаҳон бозорига ҳақиқий кучга айланиши учун биз фақат олтиннинг соғлиғига таълиб қолмаслигимиз керак. Бугунги рақобат майдонига ресурс эмас, стратегия устуни келаяпти. Шу бонис, соҳа олдида турган қатор тизимли муаммоларни ечмоқ зарур.

Олтин қуйма шаклида экспорт қилинмайди, балки маҳаллий заргарлик корхоналарида ўзласи таъминланади. Мақсад — қазиб олинган олтинни мамлакат ичиди заргарлик буюмига айлантириш ва миллий бренд қўйиматини ошириш.

Бунинг учун нафақат соф олтин ва заргарлик, балки халқро стандартларга жавоб бердиган креатив миллий дизайнерлар мактаби ҳам керак. "Ўзбек олтини" деганда дунё маъдан баробарида ноизқ дид ва юксак санъат асарини тасаввур қилиши лозим.

"Made in Uzbekistan" таъминининг халқро нуфузини ошириш учун маҳсулотларимизни жаҳон тан олган асслик даражасини текшириш (Assay Office) тизимларидан ўтказиш шарт. Халқро сертификат глобал бозорга киришга берилган "виза"дир.

Заргарлик буюмлари экспортидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, экспорт логистикасини соддалаштириш, "яшил йўлак" тизимини жорий этиш кичик устаконаларга ҳам дунё бозорига чиқиш имконини беради.

Табиий бойлик ўз ҳолида фахр эмас, қачонки у жамият ва халқ маънафига — таълим, тибобият, илмий тараққиёт ва инфратузилмага йўналтирилиб қадрият яратса, миллий фахрга айланади.

Президентимиз олтин электроника, тибобият, юқори аниқлик талаб қилувчи санъат соҳаларида ишлатилишини, демок, уни қайта ишлаш билан миллий иқтисодиётни чуқурлаштириш, диверсификациялаш мумкинлигини, ақл ва технология бойлигига айланишини билар эди. Дарвоқе, ўз табиий бойлигини қайта ишлаган ва технологияга айлантирган миллатгина тарихида айлантиради.



Асқар ҲАЙДАРОВ, журналист

Ушбу сатрларни ўқиганда бойликларга эга заминда яшаётганимиздан гурурланамиз, эртанги кунимиз нурафшон бўлишига ишончимиз ортади. Олтин барқарорлик рамзи сифатида кўнглимизни тўқ ва бардам этаркан, уни ўзинг билан олиб юрганнингда "захира бор" деган ички хотиржамлик, руҳий осойишталик ҳиссини беради.

"Энди заргарлар ҳам яқка тадбиркор сифатида тилла буюмлари савдоси билан шўғулланиши мумкин бўлади. Чет элдан мутахассис олиб келиш харажати 2,5 минг долларгача қисми камиди 5 нафар шоғирд чиқариш шарти билан қўллаб берилди", деди давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг май ойида ўтказилган видеоселектор йиғилишида.

Шунингдек, йиғилишда давлатимиз раҳбари "Бу соҳада ҳам санъат улушига ўтиш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади. Хўсузан, заргарликда ишлатиладиган усуналар ва уларнинг бутловчи қисмларини импорт божидан озод қилинади. Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатларидан олтинни бўлиб тўлаш асосида сотиб олиш тартиби яна 3 йилга узайтирилади. Нуфузли брендлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларнинг дизайни ва қолибини олиб келиш харажати 30 минг долларгача қисми қўллаб берилди", деди.

Мамлакатимиз етакчиси боҳарнинг келгуси тараққиёт манзарасини чизиб кўрсатди. Туркия, БАА ва Миср тажрибаси асосида Тошкент, Андижон ва Хивада заргарлик марказлари очилганини, энди бундай мажмуалар бошқа ҳудудларимизда ҳам бошқичма-бошқич ташкил этилишини таъкидлади.

Агротармоқ ТОМОРҚА МЕХНАТКАШНИ КАМ ҚИЛМАЙДИ

Қорақалпоғистоннинг иқлим шароити жуда ўзгарувчан. Қишда Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан совуқ, ёзда эса жуда иссиқлиги билан ажралай туради. Лекин томорқа эгалари қандай шароит бўлишига қарамай, цитрус меваларни етиштириш йўлини топган.

Тўртқўл туманидаги Баҳор маҳалласида истискомат қилувчи Отажон оға Уразимбетов олий маълумотли агроном. У янгиликка бел боғлаб, банкдан 33 миллион сўм кредит олди. Жамғарган сармоисини ҳам қўшиб, термос усулида иссиқхона курди. 2024 йил

декабрь ойида бошланган бу иш бугун ўз мевасини бермоқда. Томорқасидаги 3 гектар ерда қад ростлаган иссиқхонада 100 тул банани парварилаш бугун отахонинг доимий машғулотига айланган. Ўз иши самарасидан руҳланган қаҳрамонимиз келгусида бошқа турдаги цитрус меваларни ҳам етиштиришни мақсад қилган.

Отажон оғанинг тажрибасини, томорқадан даромад олишининг бундай замонавий усулларини бошқа маҳаллалар, ҳатто чекка ҳудудлардан ҳам келиб ўрганишмоқда.

Беруний туманида 2013 йилда асос солинган "Қашқадўқ ёшлар" корхонасида 2 гектар ерда гидропоника усулида бодринг етиштирилмоқда. Қизилқанлар билса керак, гидропоника ҳосилини тупроқсиз етиштириш усули бўлиб, бунда ўсимликлар сувда эриган

минерал моддалар билан озиқланади. У ҳосилдорликни ошириш ва сувни тежаш имконини беради. Бу ҳам қорақалпоғистонлик деҳқонларнинг ишга илмий асосда ёндашаётгани, шу бонис, меҳнатига яраша даромад кўраётганидан далолат.

2020 йилда Эллиққалъа туманида ташкил этилган "Умидбек Одилбек" корхонаси 3 гектар жойда Хитой технологияси асосида лимон етиштириб, маҳаллий бозорга чиқармоқда. Бу каби чора-тадбирлар қишлоқ ҳўжалигига замонавий технологияларни кент қўллаш, ҳосилдорликни ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Амударё туманининг Холимбек овулида яшовчи намунали томорқачи Эркинбой Қўшаев илгор деҳқонлардан бири саналади. У ердан самарали фойдаланиб, йилга 3-4 мартагача ҳосил олишга эришмоқда. Меҳнатсевар деҳқон 2021 йилдан бўён лимон етиштиради. Жорий йилда қарийб 400 кило лимон ҳосили олиб, салмоқли даромад қилди.

Ўзбекистон шароитида лимон етиштиришининг ўзига хос жиҳатлари бор. Айниқса, иқлим шароити, қиш фаслидаги совуқ ҳаво лимон парваришига жиддий эътибор талаб қилади. Кўп ҳолларда иссиқхона ёки маҳсус ҳимояланган жойлардан фойдаланиш талаб этилади. Бироқ меҳнат ва тўғри агротехника орқали юқори самарага эришиш мумкин. Лимоннинг афзаллиги шундаки, унга бозорда талаб юқори, йил давомида харидорғир. Бу эса томорқачи барқарор даромад манбаига айлантиради.



— Томорқачидан қулупнай, хурмо, картошка, пиёз, бодринг, помидор, сабзи, қовун, тарвуз ва турли кўклатлар ҳам етиштириб, йил давомида мўл ҳосил олиб келамиз, — дейди Эркин Қўшаев. — Албатта, буларнинг барчасига фақат меҳнат орқали эришиш мумкин. Оиламиз фақат деҳқончилик билан чекланиб қолмай, чорвачилик, паррандчилик, қуёчилик билан ҳам



шўғулланади. Бу тармоқлар томорқачилик билан уйғун ҳолда ривожлантирилганда оила бюджетини янада мустаҳкамлайди. Оллавий меҳнат томорқачиликда муҳим ўрин тутаяди. Барча аъзоларнинг ҳамжиҳатлигидаги саёй-ҳаракатлари иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Биргаликда меҳнат қилиш нафақат даромадни оширади, балки оилавий муносабатларни мустаҳкамлайди, фарзандларда меҳнатсеварлик ва масъулият туйғусини шакллантиради.

Томорқадан унумли фойдаланиш фаровон ҳаёт сари ишончи қадамдир. Ерга меҳр қўйган, илгор тажрибаларни қўллаётган томорқачилар нафақат ўз оиласи, балки маҳалла ва ҳудуд иқтисодиётига ҳам ҳисса қўшмоқда. Томорқа меҳнат қилган инсон ҳеч қачон кам қилмайди. Унга меҳр берган одам эса, албатта, баракат топади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



Фармон ва ижро

# СОҒЛОМ ОИЛА – ЖАМИЯТ УСТУНИ

ЁХУД АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЧОРАЛАР ҲУСУСИДА



Умид СОБИРОВ,  
Тошкент давлат юридик университети  
Тадқиқот маркази илмий ходими

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ айрим ижтимоий муаммолар, хусусан, эрта никоҳ ҳолатлари, оиладаги низолар ҳамда аёллар ва болаларга нисбатан таъзия ва зўравонлик каби ҳолатлар ҳануз долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Статистик маълумотлар ҳам ушбу масаланинг нақадар аҳамиятли ва жиҳдийлигини кўрсатади. Масалан, суд амалиёти таҳлилларига кўра, 2023-2024 йилларда сураётган томонидан маъмурий, яъни оилавий зўравонлик билан боғлиқ 30 мингдан ортиқ маъмурий иш кўриб чиқилган. Мазкур ишларнинг катта қисми бўйича маъмурий жазо чораси қўлланган. Шу билан бирга, айрим ҳолатларда иш юритиш турли сабаблар билан тўлатилган.



Соҳа мутахассисларининг фикрича, оиладаги зўравонлик фақат жабрланувчининг шахсий ҳаёти билан чекланиб қолмайди. Бу ёш оилаларда молиявий ва ҳуқуқий масъулиятни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тизимли чора-тадбирларни назарда тутаяди. Энг муҳими, мазкур ҳужжат зўравонликка қарши курашишда профилактика, ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратади. Шу тариқа фармон оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳавфсиз ва барқарор ижтимоий муҳитни таъминлашга хизмат қилади.

## Янги тизим

Ҳужжатда оилани мустаҳкамлаш, ёшларни онгли равишда оила қуришга тайёрлаш ҳамда аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган учта устувор йўналиш белгиланган.

Биринчи йўналиш эрта никоҳнинг олдини олиш ва ота-оналар масъулиятини ошириш билан боғлиқ. Эрта никоҳ кўпинча ёшларнинг таълим олиш ва касб эгаллаш имкониятини чеклайди, айрим ҳолларда ижтимоий муаммоларга ҳам сабаб бўлади. Шу боис, фармонда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, ота-оналар ва жамият масъулиятини кучайтириш ҳамда ёшларнинг никоҳга тайёрлигини таъминлашга қаратилган профилактик чораларни кенгайтириш назарда тутилган.

Иккинчи йўналиш ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва никоҳга онгли ёндашуви шакллантиришдир. Мустаҳкам оила қуриш ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик тайёргарлигига ҳам беvosита боғлиқ. Шу сабабли фармонда ёшларнинг оила қуриш жараёнига масъулият билан ёндашишини таъминлаш ҳамда уларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги билими ва кўникмаларини ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Учинчи йўналиш аёллар ва болаларга нисбатан таъзия ҳамда зўравонлик ҳолатларини кескин камайтириш, жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш назарда тутилган.

Фармонда белгиланган чора-тадбирлар фақат умумий ёндашуви билан чекланиб қолмай, соҳада қатор аниқ янгилликларни ҳам назарда тутаяди. Аввало, ёшларнинг ўз ҳаёт йўлини онгли равишда танлашини рағбатлантириш мақсадида муайян қўллаб-қувватлов механизмлари жорий этилмоқда. Хусусан, 2027 йилдан бошлаб ҳар иккала тараф камида 21 ёшга тўлиб, биринчи марта никоҳдан ўтган ёш оилалар учун давлат томонидан қўшимча имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш белгиланган. Агар бундай оилалар ижтимоий реестрга киритилса, уларга бериладиган субсидия, сўда ва грантлар миқдори 1,5 баравар оширилади.

Шунингдек, никоҳ шартномасини тузган никоҳланувчиларни никоҳни давлат рўйхатидаги ўтказиш учун тўланадиган давлат божидан озод қилиш тартиби жорий этилиши назарда

тутилмоқда. Бу ёш оилаларда молиявий ва ҳуқуқий масъулиятни ривожлантиришга хизмат қилади.

Фармонда ёш аёлларнинг таълим олиш ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ҳомиладор талаба қизлар ёки уч ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан шуғулланётганлар учун олий таълимнинг давом эттириш имкониятини кенгайтириш, жумладан, масофавий таълим орқали ўқишни давом эттириш механизмларини жорий этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, эрта никоҳнинг олдини олиш бўйича идоралараро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида янги ахборот тизимлари жорий этилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, ички ишлар органларининг электрон тизимидан, эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомиладорлик ҳолатлари ҳақида тезкор хабар узатиш имконини берувчи “Усмир-сигнал” модули ишлаб чиқилади.

Фармон доирасида аёллар ва болаларга нисбатан таъзия ва зўравонликка қарши курашиш тизими ҳам кучайтирилмоқда. Хусусан, ҳимоя ордери тақдим этилган жабрланувчи аёлларга мобил қурилма орқали тезкор ёрдам чақирishi имконини берувчи “SOS” функцияси жорий этилиши назарда тутилган. Шунингдек, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш ҳамда судларда кўриб чиқишда махсус тайёргарликдан ўтган терговчи ва судьялар фаолият юритиши белгиланган.

Бугун қўллаб-қувватлаш оила институти мустаҳкамлаш, аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда ёшларни оилавий ҳаётга масъулиятли этиб тайёрлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Чунки жамият таъриқиёти, аввало, оилалардаги соғлом муҳитта беvosита боғлиқ.

## Миллий давлатчилигимиз тарихиган

# КЎЗГУ

Янги таҳрирдаги Конституциямиз муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, шунингдек, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси” алоҳида таъкидланади.

# БУХОРОДА МАНГИТЛАР СУЛОЛАСИ

XVIII асрнинг 40-йилларига келиб, Бухоро хонлигида сиёсий ва иқтисодий инқироз кучайди. Аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон (1711-1747) ҳукмронлиги йилларида марказий ҳокимиятнинг заифлашуви натижасида Бухоро хонлигидан мустақил Қўқон ажралиб чиқади. Мамлакатнинг бекликларга бўлиниш хавфи кучая боради. Бунинг устига асли туркман уруғидан бўлган Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг (1736-1747) Бухорога ҳужуми ва мамлакатнинг асосий шаҳарлари — Самарқанд ҳамда Бухорони эгаллаши ва талаш сиёсий вазиятни янада мураккаблаштиради.

Шундай мураккаб вазиятда тарих саҳнасида янги сиёсий куч — мангитлар сулоласи (1756-1920) пайдо бўлади. Нуфузли мангит бийлари (беклари)дан Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ (вафоти 1743 йил) мангитлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши учун шарт-шароит яратиб беради. Янги сулола ва давлатга асос солишдек масъулиятли вазифа эса Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳим зиммасига тушади.

Муҳаммад Раҳим Бухоро тахтига bevосита ўзи ўтиришдан ҳайқиб, тахтга марҳум Абулфайзхоннинг 9 ўғли ўғли Абдулмуминхонни (1747-1751) ўтказди ва ёш “хон”га қизини беради. Бироқ орадан 4 йил ўтган, уни ўлдиртириб, тахтга невараси Убайдуллоҳон III ибн Абдулмуминхонни (1751-1754), кейинчалик Шерғозини (1754-1756) ўтказди.

Муҳаммад Раҳим қўшеги юқорида номлари келтирилган қўчироч хонлар даврида марказий ҳокимиятга бўйсунганини хоҳламаган Миёнқол, Нурота, Ургут, Жиззах, Уратепа, Хўжабод, Тошкент, Шахрисабз, Бойсун, Ҳисор, Қабодийн ва бошқа бекликлар устига юриш қилиб, уларни бўйсундиради. Хусусан, айирмачилик кайфиятини намоён қилаётган Шахрисабз ва Китобдаги кенаслар устига 3 марта юриш қилиб, уларни босиб олади. Бурқут, баҳрин, кенас, қипчоқ, юз, сарой ва бошқа ўзбек қавмларини мамлакатнинг турли ҳудудларига кўчириб, Бухоро хонлигининг яхлитлиги ва ҳавфсизлиги учун изчил курашади.

Муҳаммад Раҳим ҳокимиятнинг марказлаштириш сиёсатини фаол юритиб, қудратли амирларни лавозимларидан бўшатади ва уларнинг ўрнига ўрта табақа вакиллари тайинлайди. У 1756 йилда хонлик тахтига расман ўтирган, Бухорода мангитлар сулоласи ҳукмронлиги бошланади. 1758 йил 24 мартда хон Гўлдувон ва Шофирқондаги Хожа Абдуҳалиқ Гўлдувоний, Хожа Ориф Ревгарий мақбараларини зиёрат қилиб, Бухорога қайтаётганида 45 ёшида туфатдан вафот этади.

1758 йили Муҳаммад Дониёлбий оталиқ Бухоро амири деб эълон қилинади. У 27 йил давомида (1758-1785) Бухоро амирлигини бошқаради ва сиёсий марказлашув жараёнини мустаҳкамлашга интилади. Қўшни давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларига катта эътибор қаратади. 1774-1776 ва 1779-1780 йилларда Бухоронинг Эрназар элчи (ғўлқ исми Мулла Муҳаммад Эрназарбой Мақсуд ўғли) бошичилигидаги элчиларини Москва ва Санкт-Петербургда жўнатилади. Улар Россия маликаси Екатерина II ва валиаҳд Павел томонидан расмий равишда қабул қилинган. Шунингдек, Эрназар элчи 1780 йил, Муҳаммад Шариф 1783-1784 йилларда элчи этиб, Усмоли турк султонилиги пойтахти Истанбулга жўнатишган. Тарихчи олим ва сўфий Ҳумулӣ “Тарихи Ҳумулӣ” асарига келтиришича, Муҳаммад Дониёлбий асарига, сўфий ва уламоларга сахийлик қўрсатган ва уларни жуда эъзозлаган, зиёратгоҳлар фойдасига вақфлар таъсис этган.

Муҳаммад Дониёлбийдан сўнг тахтга амир Шохмурод (1785-1800) ўтиради. Амир Шохмуроднинг давлат арбоби бўлиб шаклланишида сўфийлик оқими таъсири жуда кучли бўлган. У илм аҳуларини хурматлаб, ҳомиийлик қилган. Сўфий-подшоҳнинг баъзи бир қарашлари унинг ўзи ёзган “Айнул-ҳикмат” китобида ҳам ифодасини топган. Аҳмад Донш амир Шохмуродга “Амирлик гиламини камбағаллик кийими билан беади, жаҳон боғидан дўшманлик ва ёмонлик кийимини сугуриб ташлади ва адолат ниҳолларини ўтказди” деб ўқиб баҳо берган эди. У ўтказган ҳарбий, маъмурий, молиявий ислохотлар кўп ўтмай, ижобий натижасини беради ва мамлакат иқтисодиёти ўнганлишига хизмат қилади. Шохмурод 1800 йил 63 ёшида вафот этади.

Ундан сўнг тахтга ўтирган валиаҳд амир Ҳайдар (1800-1826) отасининг марказлаштириш сиёсатини давом эттиради. Бухоро амирлигида вужудга келган кескин сиёсий вазиятни юмшатишга ҳаракат қилади.

Ҳайдарнинг ҳукмронлиги йилларида мамлакатда нотинчлик ҳукм суради, яъни марказ ва вилоятлар ҳамда кечagina вилоят макомидан бўлган, лекин эндиликда алоҳида сиёсий бирлик — хонликка айланган Хива ва Қўқон билан қарама-қаршиликлар авжига чиқади. Ҳар 3-6 ойда узлуксиз ички урушлар ва қўзғолонлар бўлиб туради. Миёнқол, Шахрисабз, Карки, Марвадга маҳаллий қушлар ўзбошимчилик билан ҳаракат қила бошлайди. Натижада Амир Ҳайдар айирмачилик кайфиятида бўлган Шахрисабз, Китоб, Ургут беклари, Миёнқол ва

Самарқанд ҳокимларига қарши жанглар олиб боради. Хуросонга ҳам ҳарбий юришлар қилиб, 1817 йил Балх, Бадахшон, Кундуз ва Маймани Бухоро амирлиги тасарруфига қайтаради.

У 1821-1825 йилларда Миёнқолдаги хитой-қипчоқлар исёнини бостиришга муваффақ бўлади. Шахрисабз, Самарқанд, Ургут бекликларидидаги галаёнлар, Марв воҳаси учун Хива хони Муҳаммад Раҳимхон билан урушлар амир Ҳайдарни давлатда ҳарбий-сиёсий ислохотлар ўтказишга мажбур қилади. Бошқа мангит ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ, у ўз қўшинидаги аскарларга мунтазам равишда яхши маош тўлаган. Бундан ташқари, мамлакатдаги солиқ йиғувчиларга йиллик маош ажратиб билан бирга йилга икки марта сарпо улашган. Хитой-қипчоқлар томонидан юзага келиб турадиган мижорларнинг олдини олиш мақсадида ушбу ҳудудларга нисбатан турли тўловлар миқдорини камайтирган.

Амир Ҳайдардан сўнг Бухоро тахтини унинг учинчи ўғли амир Насрулло (1826-1860) эгаллайди. У отасининг ҳукмронлиги даврида Қаршида ҳокимлик қилган эди. Ҳокимият учун курашларда у акалари амир Ҳусайн



(1797-1826) ва амир Умар (вафоти 1826 йил)дан устун келади. Амир Насрулло ўз ҳукмронлиги даврида ислом шариасти кўрсатмаларига қатъий амал қилган. Жасур ва довжорак бўлган боис, унинг исмига “баҳодир”, “ботир” унвонлари қўшиб айтилган.



Уша йиллар Туркистон минтақасида Россия ва Англия манфаатлари ўзаро тўқнашган давр эди. Амир Насрулло Бухоро давлатида катъий марказлаштириш сиёсатини юритади, ички айирмачилик кайфиятларига барҳам беради. У бутун Мовароуннаҳр ва Хоразмин ягона давлатга бириштиришга интилади. 35 йил ҳукмронлик қилиб, 1860 йил 5 октябрда 56 ёшида вафот этади. Умумидан сўнг тахтга унинг ягона вориси Музаффар (1860-1885) ўтиради. У отаси амир Насрулло даврида Карманга ҳокимлик қилган эди.

XIX асрнинг ўрталарида Россия империяси томонидан Ўрта Осиёни босиб олиш

1920 йил 2 сентябрда шўро аскарлари Бухоро аркини эгаллайди. Шафқатсиз ўқ ёмири ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг катта қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлади. Бухоро амирлиги тугатилиб, унинг ҳудудида Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилади.

ҳаракатлари Қўқон хонлигидан бошланиб, Бухоро амирлигини қўлга киритишга уриниш билан давом этади. 1866 йил январь ойининг охирида Черная Жиззахга юриш бошлайди ва 18 октябрда босиб олади. Қизғин шундаки, Бухоро амири рус қўшинларига қарши биргаликда жанг қилишни Қўқон хони Худоёрхонга таклиф қилганда, у турли баҳоналар билан бу ишга бош қўшмайди.

1868 йил 1 майда Самарқанд яқинидаги Чўпонота тепалигида шиддатли ва беэёз жанг бўлиб, 2 майда Самарқанд руслар томонидан забт этилади.

Кауфман Зирабулоқда Бухоро амирлиги қўшинларини тор-мор этиб, тезлик билан Самарқандга қайтади. 1842 йил Қўқонга юриш қилиб, хонлик ҳудудини эгаллайди. Амир Насрулло 1843 йил Марвни ҳам Бухорога бўйсундиради. Шунингдек, 20 йил олиб борган 32 та ҳарбий юришдан сўнг 1856 йилда Шахрисабзини узил-кесиб босиб олади.



Самарқандга Кауфман ҳузурига келиб, сулуҳ тузишга розилик билдиради. Сулуҳга кўра, Самарқанд, Каттакўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисми хонлиқдан ажратиб олиниб, Россия империяси таркибига киритилади. Амир тоvon сифатида 50 минг сўм тилла пул тўлашга ва хорийлик мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа ўрнатмасликка розилик беради. Шунингдек, Россия империяси савдогарларига хонлик тасарруфидан бемалол савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишига ҳамда қарвонсаройлар қуришга ижозат этилади.

Хуллас, амирлик Россия империяси қарамлигидаги юртга, яъни ярим мустамлака аҳволга тушиб қолади. Жиззахдан тортиб, Каттакўрғонга қадар бўлган ҳудудлар рус ҳукумати тобеликга ўтди. 1868 йилга келиб, амирлик Ҳўжад, Уратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттакўрғон каби йирик аҳоли манзилгоҳларидан ва Зарафшон воҳасининг юқори ҳамда ўрта оқимидаги ҳудудлардан тўла маҳрум бўлади.

ҳукумати билан муносабатда бўлиш, амир ва унинг вазирларини назорат қилиш, Зарафшон дарёсининг сув тақсимоти билан шуғулланиш, Бухоро-Афғонистон чегараларини кузатиб туриш, Бухородаги рус қароргоҳларида газеталар ва театр пьесалари устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқларини берилади.

Амир Абдулаҳад вафотидан кейин тахтга ўтирган ўғли Саид Олимхон (1910-1920) Петербургдаги Николаев корпусида таълим олган эди. Ҳокимият тепасига келтуришга қадар у Қарши ва Кармана бекликларига бош бўлган. Унинг даврида Бухоро амирлигининг Россия империясига қарамлиги янада кучайди. Саид Олимхон ҳукмронлик даврида иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қартиб, қатор ютуқларга ҳам эришди.

1920 йил 12 августда большевик Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида Самарқанд-Бухоро фронтини тузиш ҳақида буйруқ беради. Шу тариқа амирлик чегараларида 7 минг пиеда, 2,5 минг отлик аскар, 5 та оғир тўп, 35 та енгил тўп, 206 та замбарак, 5 та бронемобиль, 5 та бронепоезд ва 11 та аэроплан шай ҳолатга келтириб қўйилади.

1920 йил 2 сентябрда шўро аскарлари Бухоро аркини эгаллайди. Шафқатсиз ўқ ёмири ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг катта қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлади. Бухоро амирлиги тугатилиб, унинг ҳудудида Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилади.

Мангитлар даврида давлат тепасида мутлақ ҳуқуққа эга амир турган. Бутун ҳокимият амалда унга тегишли ҳисобланган. Қўшеги бош вазир ҳисобланиб, амирликдаги ижроия ҳокимияти унга бўйсунган. Давлатнинг барча молиявий ишлари девонбеги назорати остида бўлган. Амир ёки унинг вазирини доирасида тайинланган жойлардаги мансабдор шахслар, маҳаллий бошқарувчилар ҳамда беклар давлатнинг маҳаллий бошқарув органлари вакиллари эди. Беклар юқори табақа вакилларидан бўлиб, асосан, йирик ер эгалари орасидан тайинланган. Амирлик ҳудуди 27 бекликдан иборат эди.

Мангитлар даврида амирлик маданий ҳаётга, жумладан, меъморлик, адабиёт, тарихнавислик, мусавиворлик, катталогик соҳасида эътиборга молик ўзгаришлар содир бўлди. Мангитлар сулоласи ижобий ва салбий жиҳатларга қарамай, миллий давлатчиликнинг тарихан ажралмас қисми ва ижтимоий-сиёсий мероси бўлиб қолаверди. Бухоронинг сўнгги ҳукмдори Саид Олимхон 1920 йилда ўз юртидан қочиб, Афғонистондан Сиёсий бошбана топган ва 1944 йил 5 майда Қўбўл шаҳрида вафот этган.

Ҳалим Тўраев,  
тарих фанлари доктори,  
профессор

“Қутадғу билиг” бизга шунчаки ўтмишни эмас, келажакни ҳам кўрсатади. У ёш авлодни маънавий баркамолликка чорлайди ва бизга қуйидагиларни уқтиради: ҳақиқий куч — адолатда, ҳақиқий бойлик — билимда, ҳақиқий саодат — ҳалолликда.

# ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА РАҲБАРНИНГ МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ

## (“Қутадғу билиг” асари мисолида)

Буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асари XI асрда қорахонийлар ҳукмронлиги даврида яратилган сиёсий-фалсафий ва ахлоқий пандномадир. Асар ўша давр туркий ёзма адабиётининг илк йирик ва мукамал намуналаридан бири ҳисобланади. У қорахонийлар ҳукмдори Табғач Бутраҳон томонидан юксак баҳоланган ва муаллифга давлат хизматининг энг олий мартабаси — “Хос Ҳожиб” унвони берилган.

“Хукмдорлар қонун-қодалари”, “Хукмдорлар зийнати”, “Хукмдорлар пандномаси” каби номлар билан машҳур бўлган.

Асарнинг бадий-фалсафий ғояси мамлакатни адолат асосида бошқариш, тинчликни сақлаш, халққа зулм қилмаслик, раият аҳволини енгилаштириш, фаровон турмушни таъминлаш, халқни билимли қилиш ва маърифатли жамият қуриш масалаларига қаратилган. Муаллиф давлатнинг мустақкам бўлиши учун ҳукмдор адолатли, вазир доно, халқ эса маърифатли бўлиши шарт деган бош ғояни илгари суради.

Юсуф Хос Ҳожиб асарни диалог шаклида, тўртта рамзий образ орқали баён қилади. Бу образлар ўзаро суҳбат довомида давлат, одобр-ахлоқ, илм-маърифат, қаноат, мансаб, дўстлик, вақт, кексалик ва маънавий поклик ҳақида фикр юртиради.

Асардаги биринчи рамзий образ адолат тимсоли бўлган подшоҳ Кунтүгдидир. У қуёшдек ҳаммага баробар нур сочади, давлатнинг мустақкам пойдеворини йодалайди. Агар ҳукмдор адолатли бўлса, халқ рози бўлади, иқтисод ривожланади ва тинчлик қарор топади.

Иккинчи образ давлат рамзи бўлган вазир Ойтўлдидир. У бойлик, барака ва қудрат тимсоли бўлиб, осмондаги ой каби бақиб туради. Ойтўлди ҳукмдорнинг ишончли маслаҳатчиси, тинчлик ва фаровонлик рамзи. Давлат адолатга хизмат қилса, барака бўлади. У адолат билан уйғун бўлмаса, фитна ва бузуқликка юз тутади.

Воқедадаги учинчи образ ақл тимсоли бўлган Уғдүлмидир. У ақл-дрок ва билимни ифода этади. Асарнинг асосий мазмуни ҳам айнан билим ва ақл атрофида қурилган. Китобнинг номи “Қутадғу билиг” ҳам шу ғояга ишора, албатта. Уғдүлмиш тўғри йўл кўрсатувчи

донолик тимсоли ҳисобланади. У ҳукмдорга тўғри йўл кўрсатади, ҳар бир ишни ақл билан бажаради. Адолатни сақлаш учун ҳам ақл муҳим аҳамият касб этади. Адолат бўлмаса — давлатда зулм бўлади, давлат бўлмаса — адолат ва ақл амалда кўринмайди. Улар бир-бирини узвий тўлдириб боради.

Асар композициясидаги тўртинчи образ қаноат рамзи бўлган Узғурмидир. Муаллиф қаноатсиз жамият ва қаноатсиз инсоннинг оқибати ҳақида эканини таъкидлайди. У дунё неъматларига берилмаган, мол-дунёга қизқ-майдаган, нафсини тийган, камтарлик ва сабр билан яшайдиган инсон сифатида гавдаланади. Инсон ҳақиқий бахтини бойликда эмас, қаноатда топади. Нафси жиловлаш, ортиқча хирсанд тийилтиш, сабр ва шукр билан яшаш, ҳалол меҳнатга суяниш, дунё ортидан қувмасликни Юсуф Хос Ҳожиб ушбу образ орқали очиб беради.

Ойтўлди вафот этгач, унинг ўрнини Уғдүлмиш эгаллайди. Асар охирида эса Узғурмиш ҳам оламдан ўтади ва саҳнада Адолат билан Ақл қолади. Муаллиф шу орқали ақл ва адолат уйғунлигида давлат раванқ топишини рамзий тарзда йодалайди. Очқўзликни қоралайди, камтарликни улуглайди, маънавий бойликни моддий бойликдан устун қўяди.

Раҳбар қонун устуворлигини таъминлаш, тартиб-интизомни сақлаши керак. Қонун барча учун тенг бўлиши лозим. Давлатимиз раҳбари ҳам қонун устуворлиги ҳақида кўп гапирди. Адолатли ҳамда маърифатли жамият қуриш орқали халқнинг фаровонлик сари одимлашни пировард мақсад деб билади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг таълимотига кўра, жамият саодати адолатли ҳукмдор, доно ва билимли раҳбарлар ҳамда маърифатли халқ



### Буюклар меросидан



орқали таъминланади. Подшоҳлар давлатни куч билан эмас, ақл билан бошқарса, мансабдорлар ҳалол бўлса, адолатли бошқарув ва маърифатли жамият шаклланади.

Шу боис, асарда Ақл Адолатга доимий маслаҳатчи ва ҳимоячи бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Раҳбар шахслар адолатли, билимли, камтар, сабр-тоқатли, халқ дардини тинглай оладиган, кенгашиб қарор қабул қиладиган ва шахсий манфаатдан устун бўлган юксак фазилатларга эга бўлиши шарт деб ҳисоблайди. Асарда раҳбарнинг ички маънавий камолоти давлат тараққиётига бевосита таъсир қилиши қайд этилади.

Муаллиф асарда раҳбар донишманд, сабрли, халқпарвар ва ҳалол бўлиши кераклигини белгилаб беради. Бу тамойиллар ҳозирги замонавий менежментда ҳам долзарб бўлиб, раҳбар кадрларнинг бадий дидини, образли тафаккурини, мулоқот маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Камтарлик қалбақ элтади. Билмдан бошланар донолик йўли.

“Қутадғу билиг”нинг бутунги кундаги аҳамияти шундаки, у адолатли бошқарув, ҳалол

кадрлар сиёсати, коррупцияга қарши ахлоқий ёндашув, масъулиятли етакчилик ва давлат қучининг асоси адолат ҳамда билим эканини уқтиради. Бу асар том маънода раҳбар кадрлар учун маслаҳатгўй қўлланма вазифасини ўтайди. У бутун ҳам маънавий-сиёсий дастур сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Мазкур асар шунчаки адабий ёдгорлик эмас, давлат бошқаруви, инсон камолоти, адолат ва маънавий ҳақидаги улкан фалсафий қомусдир. Бошқача айтсак, “Саодатга элтувчи билим” инсон ва жамиятни бахт-саодатга етаклайдиган йўлни кўрсатади.

Орадан қарий минг йил ўтди. Дунё ўзгарди. Бугун ахборот ва техника тараққиёти даври. Технолологиялар, сунъий интеллект, глобаллашув — барчаси ҳаётимизга кириб келди. Аммо қуйидаги саволлар ўзгаргани йўқ: жамият қандай қилиб адолатли ва барқарор бўлади? Раҳбар қандай бўлиши керак? Инсон қандай яшаса, ҳақиқий бахтга эришади?

Донишманд Юсуф Хос Ҳожиб бу саволларга жавобни кўп аср олдин берган. Аввало, у адолатли давлатнинг пойдевори деб билган.

Бугунги кунда ҳам адолат масаласи энг долзарб бўлиб қолмоқда. Қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, тенглик — булар замонавий давлат қурилишининг асоси. “Қутадғу билиг”да айтилганидек, адолат бўлмаса, давлат мустақкам бўлмайди. Бу ғоя ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Бугун раҳбарлик фақат лавозим ёки ваколат эмас, балки маънавий масъулият, катта жавобгарликдир. Жамият раҳбарининг шахсий фазилатларига қараб шаклланади. Агар раҳбар ҳалол, камтар ва халқпарвар бўлса, жамиятда ишонч ва барқарорлик қарор топади.

“Қутадғу билиг”да инсон камолотига катта эътибор қаратилган. Ақл, билим ва одобр энг олий қадрият сифатида кўрсатилган. Бугун билим иқтисодийёт даврида яшашимиз. Ким билимли бўлса, ким фикрлай олса, уша ютуққа эришади. Демак, Юсуф Хос Ҳожиб илгари сурган “билим орқали саодатга эришиш” ғояси бугунги замон руҳига тўла мос келади.

Яна бир муҳим жиҳат — маслаҳат ва мулоқот маданияти. Асарда раҳбар доно кишилар билан маслаҳатлашиши, турли фикрларни эшита билиши зарурлиги айтилади. Бугун буни биз “очиқ мулоқот”, “фуқаролик жамияти”, “жамоатчилик назорати” деб атаймиз. Демак, асардаги ғоялар замонавий демократия тамойиллари билан уйғун.

“Қутадғу билиг” бизга шунчаки ўтмишни эмас, келажакни ҳам кўрсатади. У ёш авлодни маънавий баркамолликка чорлайди ва бизга қуйидагиларни уқтиради: ҳақиқий куч — адолатда, ҳақиқий бойлик — билимда, ҳақиқий саодат — ҳалолликда.

Глобаллашув даврида миллий ўзликни сақлаш масаласи ҳам долзарб. “Қутадғу билиг” туркий маънавиятнинг юксак намунаси сифатида илдирилгани, қадриятларимизни эслатади. У бизга кимлигимизни, қандай маданият ва тафаккур эгаси эканлигимизни англайди.

Ҳар бир инсон билим олишга интилса, ҳар бир ёш юксак ахлоқни ҳаёт мезонига айлантирса, жамиятимиз, албатта, тараққий этади.

Хулоса қилиб айтганда, “Қутадғу билиг” ўтмиш мероси эмас, балки бугун ва эртанинг дастуруламаларидир. У бизни эзгуликка, масъулиятга, адолат ва билимга чорлайди.



**Мансур ЮНУС,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузурдаги  
Давлат сиёсати ва бошқаруви  
академияси доценти,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси

Илмий манбаларда келтирилишича, мазкур нодир асарнинг учта қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Уларнинг бири Вена кутубхонасида, иккинчиси Қоҳира кутубхонасида сақланади. Учинчи нусха эса 1913 йилда Наманганда топилган бўлиб, уни маърифатпарвар Абдурауф Фитрат 1925 йилда таржима қилган. Ҳозир мазкур нусха Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Асарни мутолаа қилар экансиз, унда Абу Наср Форобийнинг ахлоқий-фалсафий қарашлари ҳамда Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асаридagi маънавий мерос таъсири аққол сезилади. Шу боис, у “Шоҳномаи туркий” деб ҳам аталган.

Тарихий манбаларда айтилишича, бу асар Чин-Мочин ўлкаларида “Хукмдорлар одоби”,

Китоб қуролдан кучли, бойликдан қиммат. Китоб оддий қоғоз эмас, тафаккур, тажриба ва руҳий мерос жамланмаси. Шу маънода, китобни энг қадрли ҳазина деб аташ муболага эмас. Яъни китоб инсоният яратган энг қимматбахо бойликдир.

Чунки у моддий ҳазина каби йўқолиб кетмайди, балки инсон билан тобад бирга яшайдиган, авлоддан авлодга ўтадиган руҳий мерос сифатида абадий сақланади. Китоб орқали ўтмишнинг донолиги, замонларнинг ўзига хос тафаккури, миллатлар ва тамаддулларнинг ҳаётий сабоқлари авлодларга етиб келади. У фақат маълумот манбаи эмас, инсонни ўйлашга, изланишга, ўзлигини англашга чорлайди. Туйғуларни тарбиялайдиган, онгни чарқлайдиган ва қалбни уйғотиб, фикрни чуқурлаштирадиган маънавий кучдир. Унинг ҳар бир саҳифаси тарихнинг бир парчаси, ақл ва тафаккурнинг бир шувласи, инсон руҳининг абадий изидир.

Қиллогимизда бир фахрий педагог яшар эди. Ҳамма Зайниддин домла дерди. Ёшлигимда ундан кўп китоб олиб ўқирдим. Унинг камтаргина қулбаси, жилмайиб турадиган хокисор, аммо маъноли қиёфаси ҳали-ҳамон ёдимда. Китоб сўраб борганимда, у ҳар гал, албатта, тавсияларини айтиб, асарнинг мазмуни, муаллифи ва унинг ҳаёти ҳақида батафсил сўзлаб беради. Китобни қайтариб келганимда эса эринмай ундаги воқеалар, қаҳрамонлар тақдир ҳақида мен билан фикр алмашар, саволлар бериб, мушоҳада қилишга ундарди. Шу тариқа ҳар бир мутолаа суҳбатга, ҳар бир суҳбат эса сабоққа айланади.

Бир сафар бойвачча киши устозга ҳазиллашибми ё чиндан: — Агар китобларингизни берсангиз, шу автомобилнинг сизники, — деб янги машинаси калитини олдига қўяди.

Шунда Зайниддин домла жилмайиб, сокин овозда жавоб беради:

— Болам, бу темир-терсақ бир кун эскиради, аммо китоб эскирмайдиган бойлик. Мен умримни шу бойликни ингишига бағишладим. Уни бир кунда нимагадир алмаштириб бўлмайди.

Бу жавоб оддий сўзлар эмас, ҳаёт фалсафаси эди. Уша кун нафақат бойвачча йинги, балки атрофдагилар ҳам бир ҳақиқатни англади: ҳақиқий бойлик қўлда эмас, қалб ва онгда бўлади. Шу воқеадан кейин кўпчилик долдонинг камтар қулбаси энг катта “ҳазина” сақланаётган маскан эканини англади. Ростдан ҳам Зайниддин домла кичик уйда яшовчи “катта одам” эди. Ундан китоб сўраган ҳар бир инсон китоб билан бирга қалбига зиё олиб кетарди. Чунки ўша китоб орқали кимдир тарихни англади, кимдир шеърятдан руҳланиди, яна кимдир ҳаёт ҳақиқатларини теранроқ ҳис этарди. Домла “Бир китоб бир ҳаётни ўзгартириши мумкин”, дерди. Орадан йиллар ўтди. Автомобиллар эскирди, ўрнини янгилар чикди, замон ўзгарди. Аммо домла тарақатган китоблар орқали таралган зиё ҳали-ҳамон кўлаб қалбаларни чаргон этиб турибди.

Ўзбек халқи азалдан китобхон. Шу боис, сўнгги йилларда китобхонликни тарғиб қилиш, маънавий муҳитни юксалтириш ва жамиятда китобга нисбатан ижобий муносабатни ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишловлар кечмоқда. Ушбу жараён фақатгина китоб нашри ва янги кутубхоналар қуриш билан чекланмай, жамиятда



маънавий уйғонишни таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. Аҳоли самарали ахборот-кутубхона хизмати билан таъминланаяпти. Китобхонлик кишлоқ ва маҳаллаларда ҳам ривожланиаяпти. Янги кутубхоналар, мобил китоб ташувчилар, электрон китоблар ва интерактив платформалар орқали аҳоли, айниқса, ёшлар китобга янада осон ва содда йўл билан эришяпти. Яратилган шароитлар самарасида кутубхоналарга борадиган ёшлар сони 2016 йилдагига нисбатан 2,5 баробар кўпайди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 15 мингта яқин кутубхона фаолият юритмоқда ва уларда 85 миллион нусхада китоб ва журнал мавжуд.



Яратилган имкониятлар фониди ёшларга шунчаки “китоб ўқинг” деган чакриқлар эмас, балки амалий ҳаракатлар ва рағбатлантириш тизими тақдир этилди. Танловлар, муқофотлар, грантлар ва махсус ўқув дастурлари орқали энг яхши китобхонлар автомобиль, ноутбук ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Энг муҳими, китоб ўқиган бола биринчи марта жамият кўз ўнгига алоҳида эътиборга лойиқ шахс сифатида тан олинди. У энди оддий ўқувчи эмас, балки билим ва маданият элчисига айланди. Президентимизнинг жорий 24 февралда ёшлар билан бўлиб ўтган мулоқотида “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш” жамғармаси орқали энг истеъдодли ёзувчиларга

ижодий буюртма бериш ва бир йил давомида ойига 20 миллион сўмдан ҳақ тўлаш каби ташаббуслар белгиланди. Шунингдек, энг сара хорижий адабиётларни ўзбек тилига ва миллий адабиётни хорижий тилларга таржима қилиш ҳамда чоп этиш харажатининг ярмини қоплаш вазифаси қўйилди. Шу аснода янги ўқув йилига қадар энг яхши 100 та асардан иборат тўплам тайёрланиб, барча мактаб ва техникумларга етказилди, энг фаол китобхонлар эса 10 миллион сўмдан муқофотланди. Бундан ташқари, кутубхона, “book safe” ва китоб дўконлари очиб, ойига 10 мингдан ортиқ китоб сотувини йўлга қўйган тадбиркорларга 3 йилгача 1 миллиард сўмгача, 7 фоизли ссуда бериш механизми ҳам назарда тутилган. Шу тариқа китобхонлик маданияти нафақат билим ва маънавиятнинг ривожлантириши, балки ёшлар ва жамият ҳаётида самарали, амалий ва таъсирли восита сифатида мустақкам ўрин эгалламоқда.

Бинобарин, китоб мутолааси нафақат билим олиш, балки инсон саоматлигига ижобий таъсир кўрсатадиган кучли воситадир. Илмий тадқиқотлар кўрсатадики, мунтазам китоб ўқиш жисмоний ва руҳий саломатликни сезиларли даражада яхшилайди.

— Қизиқarli китоб мутолааси юрак уриши ва қон босимини барқарорлаштириб, асаб таранглашувини сезиларли равишда камайтиради, — дейди невролог шифокор Жаҳоҳир Зарипов. — Тадқиқотларга кўра, бир соатлик китоб ўқиш руҳий релаксацияни

тақдим қилиб, кундалик ташвиш ва қийинчиликлардан вақтинча узилиш имконини беради. Мутолаа миядаги нейрон боғланишларини мустақкамлайди. Доимий мутолаа қилувчи кекса ёшли инсонларда хотира суъайиши бошқаларидан нисбатан 32 фоиз камроқ кузатилади. Шунингдек, ухладдан олдин босма китоб ўқиш мияни тинчлантириб, уйқуга тайёрлайди. Китоб табиий психотерапевтик восита ҳамдир. Ҳўқоялар ўқиш орқали инсон турли ҳиссийатларни тушуниб, қаҳрамонларнинг нуқтани назарини ҳис қилади.

Албатта, китоб инсоннинг руҳий ва ақлий озуқа манбаи. У нафақат билим беради, балки қалбни тарбиялайди, фикрни ўстиради, инсонни қомиллик сари етаклайди. Шундай экан, биз буюк миллат сифатида янада юксалишни, тараққиёт ва маънавий баркамолликка эришишни истасак, бу йўлни, аввало, китобдан излашимиз шарт. Зеро, бугунги очилдиган ҳар бир саҳифа келгуси тараққиёт пойдевори.

Шухрат НОРМУРОДОВ,  
журналист

ГАЗЕТАДАГИ  
МАТЕРИАЛЛАРНИ  
ЛОТИН ЁЗУВИГА  
АСОСЛАНДИ  
ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА  
ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР  
QR-КОДНИ  
СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”  
газеталари таҳририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346.  
31346 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов  
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев  
Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй